O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
16-yanvar
payshanba

№ 3 (4441/4359)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малака ва маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:

**I даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Турдиев Алишер Талибович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Бузруков Лутфулла Юсупович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

**Исмаилов Тимур Камалатдинович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма бошлиғи

**Мажидов Улугбек Абдувохидович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Рашидов Алишер Абдумажидович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

**Тешабоев Мурод Ойхўжаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**«Дўстлик» ордени билан**

**Бя Юрий Ярославович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Захидов Абдурасул Абдусаттарович** – «Discover Invest» масъулияти чекланган жамияти директори

**Земсков Александр Юрьевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мирвохитов Мирсаид Мирфатух ўғли** – «Natural Houses» масъулияти чекланган жамияти директори

**Миргалиев Асхат Осатович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўқув маркази катта йўриқчи-ўқитувчиси

**Мирханов Умид Сапарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Тургунов Илхом Тургунович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

*(Давоми 2-бетда).*

РЕПОРТАЖ

## ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ



Ҳар сафар жонажон юртимизнинг турли ҳудудларида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, ёшларимизнинг илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари ҳақида ўйларканмиз, Ватан ҳимоячиларига бўлган ҳурматимиз ошаверади. Зеро, эришилаётган барча муваффақиятлар она Ватанимиздаги тинчлик-осойишталик туфайлидир.

Анъанага мувофиқ, бу йил ҳам Ички ишлар органлари тизимларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни катта тантана билан нишонланди. Вазирлик марказий аппаратида ўтказилган тадбирда ҳам юрт ҳимоячилари шарафланди.

3

## ВАКИЛЛАРИМИЗДАН БАЙРАМ СОВҒАСИ




Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ҳарбийлаштирилган тузилмалар ходимлари ўртасида қўл жанги бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг еттита жамоаси, яъни Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ходимлари ғолиблик учун кураш олиб борди.

24

Защитники Родины – лицо нашего государства



7



13

«ЛАЗГИ» – МИЛЛИЙ МЕРОС

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ

17



Детская страничка

19

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

### «Мардлик» ордени билан

**Косимов Равшан Норкобилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Маматмусаев Мирзокул Мавлонкулович** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари

**Отақўзиев Шуҳратжон Нурмухаммадович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Рахмонов Рахматулло Бозорович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Собиров Ботиржон Зокирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Тўрахонов Қахрамонжон Эркинович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Ҳакимов Рамазон Салимович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

### «Жасорат» медали билан

**Абдуллаев Азизхон Тохиржон ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Абдуллоев Салим Шокирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Абидов Мурод Мирвахидович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси отряд командири

**Алимов Шерзод Боходирович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Бурибаев Нурали Зулхайдорович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Дуланов Мирзохид Махамадалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Жабборов Жаҳонгир Сотиболдиевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Жалилов Жамшид Норкузиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Жўраев Ахрол Ахатуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Исматуллаев Бархаёт Сойибович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Йигиталиев Ойбек Аскаралиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командири

**Йигиталиев Шокиржон Зухриддин ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Мунтурганов Байрамбек Женисбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Норалиев Журабек Эралиевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Ражабалиев Санжар Эшмуродович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бўлим бошлиғи

**Рахмонов Хусен Искандарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отряд командирининг биринчи ўринбосари

**Сидиқов Ғолибжон Рахимбердиевич** – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири

**Умурзаков Журабек Набижонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хожиматов Мадёрбек Турсунбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хўжаев Дадахон Илҳомович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бошқармаси сафдор ходими

**Юсупов Мухтар Бекчанович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдурахманов Яхё Хусанович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бошқармаси бошлиғи

**Абдухамидов Мадаминжон Мухаммаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби штаб бошлиғининг ўринбосари

**Авезбердиев Дилшод Реджапбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Адизов Зохид Рашидович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Азимов Ихволжон Омонбаевич** – Фарғона вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи

**Асфандияров Рамиль Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизмат бошлиғи

**Ахмадалиев Рашит Мусинович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра бошлиғи

**Ахмедов Зафаржон Азамович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Балхиев Нуриддин Исамитдинович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Фориш тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Бобоназаров Бекзод Бахтиёрович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

**Бозоров Уктам Турмухаммадович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси катта офицери

**Бозоров Эрали Хабибуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Гуломов Фахриддин Шакирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонаси бошлиғи

**Ибрагимов Искандар Икромович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси батальони командири

**Исаев Баходир Усманович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Кадиров Камиль Шамильевич** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи

**Кадиров Шаухат Жанабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

**Касимов Гайрат Ташкенбекович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти раисининг ўринбосари

**Кодиров Хотам Шакирович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг иккинчи минтақавий ҳудуд бўйича вакили

**Кудратов Уктам Гофурович** – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси бошлиғининг ўринбосари

**Мамарасулов Равшан Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат қўмитаси «Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи» давлат корхонаси директорининг ўринбосари – бош муҳандиси

**Мўйдинов Алижон Ахмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тезкор гуруҳи взводи командирининг ёрдамчиси

**Нормаматов Муродбек Ибайдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Палванов Шакир Базарбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм лабораторияси катта лаборанти

**Расулов Хусниддин Холмуродович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири – қоровул бошлиғи

**Рахманов Хондамир Парманкулович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

**Рахматов Дусёр Джалолович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

**Реймов Максетбай Жолдасбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Тўраев Зафаржон Турсунпўлатович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Турсунов Кодиржон Мухаммаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедраси бошлиғи

**Тухтасинов Икболжон Иномжонович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари алоҳида батальони командири

**Хабиев Илдар Рашидович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хамроев Бахшилло Ғайбуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

**Ҳамроев Камолжон Каримович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ғиждувон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Хусенов Хамза Исмоилович** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Пешку тумани бўлими профилактика катта инспектори

**Юлдашев Исмойилжон Жураевич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти кафедраси профессори

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуқаххаров Қобулжон Абдугоппор ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

**Аллаберганов Махсуд Жуманязович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув қисми бошлиғи

**Алметов Шерзад Болтабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бош инспектори

**Астанкулов Отабек Тохирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мобил бошқарув пункти катта техниги

**Ачилов Мансур Сувонбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Бекмурзаев Акмал Абдуалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Бобомурадов Зоҳиджон Закирович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хоразм вилояти бўйича бошқармаси отряд командири

**Вахидов Абдукадир Исакович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Жонқобилов Акмал Файзуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

**Исақов Элмуроджон Изатилло ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

**Исматов Икромжон Парпиевич** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бўлими бошлиғи

**Курбанов Бахром Фазлитдинович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Матякубова Агата Рустамовна** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди командири

**Машарипов Рўзибой Рахимович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хоразм академик лицейи директори

**Мирзаев Шахбоз Шавкатжонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

**Мухторов Илхом Мухторович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси бошлиғи

**Раҳматов Баҳодир Эсиргапович** – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Рахматов Мирзохид Холтураевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи қоровул бошлиғи

**Рахмонов Нурзодбек Эргашбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Салаев Хамза Аббазович** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи

**Санаев Шухрат Музаффарович** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

**Саттаров Азизбек Тоирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус муҳандис-қурилиш бошқармаси батальони командири

**Сулайманов Зафарбек Сахибжонович** – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Танимова Гоззал Мауленбергеновна** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи офицери

**Ташев Жасурбек Хакбердиевич** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Тожибоев Диербек Еркинович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби маркази бошлиғи

**Туев Исроил Исмоилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Убайдуллахужаева Ойдиной Хамидуллаевна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм маркази мутахассиси

**Усманов Александр Раҳимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими мутахассиси

**Хайдаров Абдугаффор Мажидович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

**Халимов Эркин Халилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси доценти

**Шарипов Алишер Абдунабиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

**Элмуродов Бекзод Тоштемирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчи-йўриқчиси

**Эшонкулов Одил Алламуратович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази катта йўриқчиси

**Юсупов Саиджон Нематович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 10 январь*

РЕПОРТАЖ

# ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов қутлуғ сана муносабати билан барча ички ишлар органлари ходимлари, ҳарбий хизматчилар, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва тингловчи-курсантлари ҳамда соҳа фахрийларини самимий табриклади.



Вазир ўз сўзида буларнинг барчаси Президентимиз томонидан ички ишлар органларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ифодаси эканлигини таъкидлади.

Бугун дунё миқёсида ўзаро зиддиятлар, халқаро терроризм ва экстремизм, хавфсизликка таҳдидлар тобора ортиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар салоҳиятини юксалтириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон армиясининг жанговар қудрати қарийб икки бараварга ошганини эътироф этиб ўтди.

Ўтган йили Англиянинг «Глобал Файрповер» (Global Firepower) таҳлилий маркази томонидан эълон қилинган дунёдаги энг кучли армиялар рейтингида Ўзбекистон 137 та давлат орасида 48-ўринни эгаллаб, Марказий Осиёда энг кучли армия деб топилди.

Ички ишлар вазири бундан ташқари, ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатган ходим ва ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишини фахр билан айтиб ўтди.

Шундан сўнг вазир ўринбосари, полковник Р. Хатамов «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонини ўқиб эшиттирди. Унга кўра, мамлакатимизнинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги муносиб хизматлари, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малака ва маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ички ишлар вазири бир гуруҳ осойишталик посбонларига давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.



Шунингдек, тантанали тадбирда фидойи хизматлари билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган бир гуруҳ ходимларга навбатдаги «полковник» махсус унвони ҳам топширилди.

Қутлуғ сана муносабати билан Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан, Ватанимиз осойишталиги ва эл-юрт тинчлигини таъминлаш йўлидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасидаги самарали меҳнатлари, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатгани учун бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари вазирликнинг «Аъло хизматлари учун», I, II ва III даражали «Ички ишлар органларида бенуқсон хизматлари учун» кўкрак нишонлари, эсдалик қўл соати, фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Тантанали тадбирда давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган ходимлар номидан сўзга чиққан ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси махсус отряди командири, «Жасорат» медали соҳиби, подполковник Мурод Абидов, ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, полковник Эрали Бозоров ва бошқалар бундай эътироф учун Президентимиз ва вазирлик раҳбариятига миннатдорлик изҳор этиб, келгуси фаолиятларида бу катта ишончни фидойи хизматлари билан оқлашга ваъда берди.

– Она юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш доимо куч-қувват ва ғурур бағишлайди, – дейди ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси махсус тайёргарлик ўқув маркази катта йўриқчи-ўқитувчиси, подполковник Асхат Миргалиев. – Инсон ҳеч қачон ёлғиз ўзи муваффақият қозона олмайди. Шу маънода эришган бу ютуғим замирида ҳар доим қўллаб-қувватлаб турган фидойи ҳамкасбларимнинг ҳам меҳнати бор.

Тадбир иштирокчиларининг юз-кўзида осмони осуда юрт тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик билан хизмат қилиш нақадар шарафли вазифа эканлиги намоён эди.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

# УНВОН МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

**Она Ватанимиз тинчлик-осойишталигини сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қуйидаги ходимларга навбатдаги «полковник» махсус унвони берилди.**

**Ҳамкасбларимизни ушбу юксак унвон билан табриклаб, уларнинг юрт осойишталигини асрашдек шарафли ва масъулиятли хизмат фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.**

**Ачилов Искандар Алишерович** – ИИВ Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Аҳмедов Азамат Ахтамқулович** – ИИВ Кадрлар бош бошқармаси Ташкилий-штат ишлари бошқармаси бошлиғи

**Бозоров Ҳабибулла Шердонақулович** – ИИВ Ўз хавфсизлиги бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича бўлими бошлиғи

**Ҳасанов Аъложон Алимжонович** – ИИВ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси Одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Ходжаев Нуритдин Шаҳобитдинович** – Бухоро вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи

**Абдуҳомидов Собиржон Абдувоҳобович** – Наманган вилояти ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи

**Мирзаҳмедов Носиржон Турғунпўлатович** – Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ИИБ бошлиғи

**Ғаффоров Комилжон Исроилович** – Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Тергов бошқармаси бошлиғи

**Расулов Абдижаббор Аллаёрович** – Тошкент вилояти ИИББ бошлиғининг пробация ва жазони ижро этиш масалалари бўйича ўринбосари

**Раҳимов Наримон Иброҳимович** – Тошкент вилояти ИИББ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи

**Гаибназаров Абдулҳоди Абдусубҳонович** – Фарғона вилояти ИИБ Ташкилий бошқарма бошлиғи

**Тажимуратов Илҳом Раҳимбоевич** – Хоразм вилояти ИИБ Урганч шаҳри бўйича ИИОФМБ бошлиғи

**Мирсодиқов Дилмурод Мирҳамдамович** – Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Холматов Тимур Баҳодирович** – Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

МУНОСАБАТ

# ПОЙТАХТИМИЗНИ КИМ ФАЙЗЛИ ҚИЛАДИ?

**Шу кунларда пойтахтимиз бўйлаб «Файзли Тошкент» акцияси қизғин давом этяпти. Акция доирасида қаровсиз ҳудудлар ободонлаштирилиб, ички кўчалар, ариқлар турли чиқиндилардан тозаланяпти. Икки ой давом этадиган бу тадбирда дарахтларга шакл берилади, тунда яхши ёритилмайдиган жойларга қўшимча чироқлар ўрнатилади.**

**Пойтахт ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев акциянинг бошланишига бағишланган маросимда сўзга чиқиб: «Шундай қилишимиз керакки, Тошкентнинг ҳар бир фуқароси ғурурланиб: «Мен файзли Тошкентда яшайман» деган фикр билан яшасин. Шундай даражага эришайликки, бирор кимса кўчага ахлат ташлашдан ёки яшаб турган кўчасини ифлос қилишдан уялиб қолсин», – деди.**

Хўш, бунга қандай эришиш мумкин? Ҳамма ёқни чиннидай қилиб тозалаш билан эришиб бўлмаслиги аниқ. Акс ҳолда, Зангиота мажмуасига, қадим Самарқанду Бухоро зиёратгоҳларига, Сангардак шаршарасига, Чимёну Зомин тоғларига, «Амирсой» тоғ-чанғи курортига, яқиндагина очилган «Тошкент Сити»га борган айрим юртдошларимиз дуч келган жойга баклажка, қоғоз парчалари ва шунга ўхшаш чиқиндиларни ташламасди.

Халқаро пресс клуб раиси, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзод Қудратхўжаев бу ҳақда «Facebook»даги саҳифасида куюниб ёзар экан, бундай ҳолатларга чек қўйиш лозимлигини назарда тутиб: «Нима чора кўриш керак деб ўйлайсизлар?» дея савол қўяди.

Назаримизда, авваламбор, экология, санитария-гигиена маданиятини шакллантиришни бола ақлини таниши билан оиладан, мактабгача таълим муассасасидан бошлаш керак. Мактабда эса бу жараённи давом эттириш лозим. Токи бола дуч келган жойга ахлат ташлаш мумкин эмаслигини тушуниб етсин. Маълумки, болалар қизиқувчан бўлади, «Нега?» деб сўрашни яхши кўради. Шунинг учун уларга нима сабабдан мумкин эмаслигини тиббий, экологик нуқтаи назардан ҳам, маданий-маърифий жиҳатдан ҳам тушунтириш лозим. «Кўча-кўйни ифлослантирма, сувга ахлат ташлама, юрган йўлингда писта чақиб пўчоғини, конфет еб қоғозини дуч келган жойга ташлама, деб қулоғига қуйиб борсак, албатта, бунинг фойдаси бўлади. Ахир, биз, катталарга бир пайтлар ота-боболаримиз шундай тарбия беришган-ку. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл ҳам бор. Жамоат жойларида тозалик ва санитария тартибига риоя этиш борасида, аввало, ўзимиз болаларимизга ўрнак бўлишимиз жоиз. Шунда қишин-ёзин кўчаю хиёбонларимизни супуриб-сидириб қўядиган туман ободонлаштириш бошқармалари ишчиларининг заҳматли меҳнатини қадрлаган бўламиз.



Иккинчидан, қонунда назарда тутилган жазо чорасини қўллаш керак. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 161-моддасига кўра, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузган, шунингдек, тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача жарима солинади. Шу ўринда яна бир таклиф, ички ишлар органларининг ППХ наряди ходимларига ҳам юқоридаги ҳолатлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ваколатини бериш керак.



Бу таклиф бежиз билдирилаётгани йўқ. Чунки теварак-атрофни ифлослантираётган фуқароларга дакки берган **ППХ наряди ходимларига «Сизнинг вазифангиз жамоат тартибини сақлаш, бошқасига ишингиз бўлмасин», дейдиган кишилар ҳам учраяпти. Ҳозирча эса, бу ваколат фақат профилактика инспекторларига берилган. Ваҳоланки, бу каби ҳуқуқбузарликларни биринчи галда ППХ ходимлари аниқлайди-ку.**

Кези келганда, хориж тажрибасига мурожаат қилиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.




**Жамоат жойларида сигарета қолдиғи, қоғоз парчаси, баклажка, металл банка ташлаган шахсларга Австрияда 90 евро, Буюк Британияда 80 фунт стерлинг, Швейцарияда 300 франк, Сингапурда 1000 сингапур доллари (тахминан, 700 АҚШ долларига тенг) миқдорида жарима солинади. Бельгияда, ҳатто оддийгина сақич ташлаган шахс 50 евро миқдорида жаримага тортилади. Агар бельгиялик фуқаро ахлат қутиси ёнига бундай нарсаларни ташласа, 150 евро тўлашига тўғри келади.**

Шу ўринда поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчи транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш базавий ҳисоблаш миқдорининг бешдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишини эслатиб ўтамиз. Бу, биринчи галда, транспорт воситасини бошқариб бораётиб сигарета қолдиғини улоқтириб юборадиган, чорраҳаларда машинаси тўхтаб турганда асфальтга уялмай-нетмай носвой туфлайдиган ҳайдовчиларга тааллуқли.

Бу билан мамлакатимизда бундай қилмишлар учун жарима миқдорини кўпайтириш керак, демоқчи эмасмиз. Лекин ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс жазосиз ҳам қолмасин. Сабаби, айримлар атроф-муҳитни ифлослантирмаслик кераклигини бошқачасига тушунмайди.

Хуллас, фарзандларимизнинг онгу шуурига болалигидан нафақат бу менинг уйим, балки бу менинг кўчам, менинг маҳаллам, менинг шаҳрим, менинг юртим, деган тушунчаларни ҳам сингдиришимиз керак. Шундагина нафақат яшаб турган кўчасини, балки Ватанининг ҳар қандай жойини ифлос қилишдан уялади. Оллоҳнинг назарига тушган, жаннатмонанд, файзли ўлкамизнинг дуч келган жойига ахлат ташлашдан уялмайдиганларни эса моддий жиҳатдан жазолаш, жаримага тортиш лозим.

Тушунтириш ва чора кўриш тадбирлари биргаликда олиб борилса, кейинчалик кенг кўламли тозалаш акциялари ва кампаниялари ўтказишга ҳожат қолмайди. Ҳозирча эса бусиз иложи йўқ. Шунинг учун барча муштарийларимизни «Файзли Тошкент» акциясида фаол иштирок этишга чақирамиз. Зеро, тозалик бор жойда файз-барака бўлади. Ижтимоий тармоқларнинг бирида таъкидланганидек, ҳеч бўлмаганда, чиқиндиларни фақат белгиланган жойга ташлаш билан ҳам ушбу хайрли, савобли тадбирда иштирок этишингиз мумкин.

**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ АЪЛОЧИСИ




**Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида ҳар бир фуқародан ижтимоий фаол бўлиш, эркин, фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан барпо этиш учун фидойилик кўрсатиб яшаш, меҳнат қилиш талаб этилади.**

Бундай улуғвор мақсадларга эришишнинг асосий воситаларидан бири аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир.

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони асосида **«Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси»** кўкрак нишони таъсис этилган эди. Бу мазкур йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишларининг янада жадаллашувига туртки бўлди. Ўтган йили Конституция куни арафасида янги кўкрак нишонининг илк



соҳиблари тақдирланди. Улар орасида Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани молия бўлими бош юрисконсульти, истеъфодаги подполковник Бекпўлат Авазметов ҳам бор эди.

Б. Авазметов узоқ йиллар Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар органлари тизимида фаолият олиб борди. Хусусан, Тўрткўл тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимида хизмат қилиб, кўплаб шогирдлар тарбиялади. Бугунги кунда у фахрийлар кенгаши аъзоси, шунингдек, Тўрткўл тумани ИИБ музейи барпо этилишида фаол қатнашиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгаши номидан Б. Авазметовни ушбу мукофот билан табриклаймиз.

**Фарҳод САНКИБАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари, истеъфодаги подполковник.**

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



# ОРЗУСИ УШАЛГАН ПОДПОЛКОВНИК

Суҳробжонда ҳарбийликка қизиқиш болалигидан бошланганди. Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида изланувчанлиги, зеҳни, тиришқоқлиги, энг асосийси, ҳарбий соҳага қизиқиши билан бошқалардан ажралиб турарди. Чақириққача ёшларни тайёрлаш дарсларида фаол қатнашиб, ҳарбий ҳамда спорт йўналишларида ўтказиладиган мусобақа ва танловларда ҳар доим фахрли ўринларни эгалларди.

Мактабни тугатгач, 2003 йилда орзусига етишиш учун пойтахтга йўл олди: Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртига ҳужжат топширди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, курсантлар сафидан жой олди. Ўқиш давомида билимга чанқоқлиги ва спортсеварлиги билан тенгқурлари ишончини қозонди.

Олий таълим муассасасини тамомлаб, дастлабки хизмат фаолиятини ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7532-ҳарбий қисмда 1-ўқчи батальони жанговар гуруҳ командири лавозимидан бошлади. Шу жараёнда соҳанинг сир-асрорларини ўзлаштиришида устозлари – полковниклар М. Абдуллаев, А. Ҳайдаров ва подполковник Ф. Гулназаровнинг хизмати катта бўлди.

Ўзи ҳам изланиб, ҳақиқий ҳарбий бўлиб етишиш йўлида тиним билмади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ўртасида ўтказиладиган кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, бир неча бор «Энг илғор гуруҳ командири» номинацияси ғолиби бўлди.

Суҳробжон Азимов доимий равишда қўл остидаги шахсий таркиб билан хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларини юқори савияда ташкил этиб, уларнинг ҳар томонлама чиниқишига ўз ҳиссасини қўшди. Кейинги йилларда у хизматда янада тобланиб, юксак билим ва малакага эга тажрибали офицерга айланди. 7532-ҳарбий қисм 2-ўқчи батальони командирининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи, кейинчалик 7554-ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи лавозимларида самарали хизмат қилди.

Лавҳамиз қаҳрамони 2016 йили Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг қўмондонлик штаби факультетида таҳсил олди.

Қалбида Ватанга хизмат қилиш ҳисси кучли бўлган Суҳробжон Азимов айни кунларда ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7533-ҳарбий қисми 2-ўқчи батальони командири лавозимида хизмат қилмоқда.

Интилганга толе ёр, деганларидек, Суҳробжон 2018–2019 йилларда республика миқёсида ўтказилган **«Энг илғор касб устаси»** кўрик-танловида фаол қатнашиб, **«Энг илғор батальон командири»** номинациясида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

– Ҳарбий соҳага қизиқишимга ҳозирда нафақадаги амакиларим Ҳибатжон, Ҳикматжон ва Аъзамжон Азимовлар сабабчи, десам, янглишмаган бўламан, – дейди подполковник Суҳробжон Азимов. – Мактабда ўқиб юрган чоғларимда улар ҳарбий соҳада хизмат қилишарди. Ҳар доим тартиб билан, саранжон-саришта кийиниб юриши, ҳарбий либосларининг ўзларига ярашиб туриши болалигимда менда бошқача таассурот қолдирганди. Улар ортидан бориб, ҳарбийликни танлаганимдан жуда хурсандман. Юртим тинчлиги ва осойишталигига оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан кўнглим фахрга тўлади.

Суҳробжон Азимов ҳаётида нимагаки эришган, қандай ютуқларни қўлга киритган бўлса, ҳаммаси учун, биринчи навбатда, уни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келган падари бузруквори Азимжон ота ва онаси Шаҳодат ая ҳамда турмуш ўртоғи Сурайёдан миннатдор. Улар ва бувиси Адолат момонинг дуолари, панд-насиҳати доимо йўлчи юлдуз бўлиб келмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

## РЕПОРТАЖ

# УЛАР ЖИНОЯТЧИ ЭМАС...

Баъзан кимнингдир маъмурий ҳуқуқбузарлиги туфайли қамалгани ҳақида эшитиб қоламиз. Очиғи, Тошкентдаги маъмурий қамоқ жазоси ўталадиган муассасадаги муҳит юзасидан турли салбий фикрлар бот-бот қулоққа чалинади. Миш-миш гаплар қанчалик ҳақиқат-у, у ердаги асл шароит қандай?

Бу масалага ойдинлик киритиш учун ИИВ Ахборот хизмати раҳбари, полковник Шоҳруҳ Гиясов бошчилигида бир гуруҳ ОАВ ходимлари ва блогерлар Тошкент шаҳар ИИББга қарашли Махсус қабулхонада, яъни халқ орасида «Панелний» деб аталувчи жойда бўлишди. Муассаса бошлиғи, майор Алишер Ҳошимов бу масканнинг шарт-шароитларию тартиб-қоидалари билан таништириб, журналистларни қизиқтирган барча саволларига жавоб берди.

– Асосан Тошкент шаҳри фуқаролари орасида маъмурий қамоққа олинган шахслар шу жойда сақланади. Бино 3 қаватдан иборат. Унда 32 та камера бор, 150 кишига мўлжалланган. Камераларнинг ҳолатини эса ўз кўзингиз билан кўрганингиз маъқул, – дея йўл бошлади.

Ичкарига кириб бораверган сари тасаввуримиз ўзгара бошлади. Бино йўлакларидан тортиб камераларгача топ-тоза, саранжом-саришта. Ҳар бир хонада шахсий гигиенага халал бермайдиган кузатув камералари ишлаб турибди. Ҳар қаватда ювиниш хонаси бор. Ҳатто кир ювиш машинасигача ўрнатилган.





– Маъмурий қамоққа олинган шахслар исталган вақтда кийим-кечакларини ювишлари мумкин. Уларни барча ювиниш ҳамда кир ювиш воситалари билан таъминлаймиз, – деди Алишер ака.

Тиббиёт хонаси ҳам ишлаб турибди. Ўттиз ўринга мўлжалланган ошхона кичкина бўлишига қарамай, ёруғ, тоза-озода. Алишер аканинг сўзларига кўра, бу ерда овқат тайёрланмайди, шартнома асосида ташқаридан келтирилади. Жазо муддатини ўтаётган шахслар кунига уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Бундан ташқари, уларга оила аъзолари ҳам турли егуликлар олиб келтириши мумкин. Бунинг учун ариза билан мурожаат этишлари лозим бўлади. Уйидан келтирилган барча маҳсулотлар уларнинг ўзида сақланади.

Муассаса ҳовлисида спорт майдончаси бор, сайрга чиққан пайти бу ерда спорт билан шуғулланишлари мумкин. Уйига – оила аъзолари ёки яқинларига қўнғироқ қилиб гаплашишлари учун мўлжалланган махсус хоналар ва у ердаги шароитлар ҳам талаб даражасида.

Майор А. Ҳошимовдан бу ердаги фуқаролар асосан қайси ҳуқуқбузарликлари учун маъмурий қамоққа олингани ҳақида сўрадик.

– Ораларида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлар, алимент тўламаганлар бор. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга суд томонидан маъмурий қамоқ жазоси тайинлангачгина, у шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва суд қарори билан шу ерга олиб келинади. Муассасамизда шахсини тасдиқловчи ҳужжати йўқлар сақланмайди.

**– Бу жойда аёллар ҳам бор экан...**

– Афсуски, ичкиликбозлик, оилавий жанжаллар туфайли маъмурий қамоқ жазоси тайинланган аёллар ҳам учраб туради.

**– Қайта-қайта тушганлари ҳам борми?**

– Ора-сира кузатилади.



**– Улар мажбурий меҳнатга жалб қилинадими?**

– Асло, ўзи истамаса, меҳнатга жалб қилинмайди. Лекин аксарияти суд томонидан белгиланган жаримани тўлаши учун ишлаш истагида эканини билдиришади. Айрим корхоналар шартнома асосида уларни иш билан таъминлашади. Баъзан, хоҳишига кўра, ободонлаштириш ишларига ҳам жалб этилади.

**– Қочиб кетиш ҳолатлари бўлганми?**

– Бўлмаган. Чунки улар доим назоратда эканини яхши билишади. Ташқарига чиқишдан аввал яна тушунтириш ишлари олиб борилади. Тушлик вақтида эса муассасага қайтариб олиб келинади ва яна қайтиб ишга чиқади.

Шундан сўнг журналистлар махсус қабулхона ҳовлисида сайрга чиққан, жазони ўтаётган фуқаролардан ходимларнинг муносабати ва бу ердаги шароитлар ҳақида сўраганида, ҳеч қандай қийноқ ёки тазйиқлар қилинмаслигини таъкидлашди. Уларнинг сўзларида муассасадаги шароитлар ҳамда ходимларнинг муомаласидан норозилик сира ҳам сезилмади. Айримлари ўз муаммолари юзасидан маслаҳат сўрашганида, журналистлар уларга йўл-йўриқ кўрсатишди, жумладан, давлат томонидан бепул адвокат олиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилди.

– Улар жиноятчи эмас, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган, холос. Имкон даражасида профилактика ишлари олиб борилади. Жазони ўтаб кетаётганлар орасида «раҳмат» айтадиганлари ҳам бўлади.

Тошкент шаҳар ИИББга қарашли Махсус қабулхона эшигидан чиқиб борар эканмиз, кўнглимиздан... «Бу ерда кимдир ўз қилмишидан пушаймон бўлиб хатоларидан тўғри хулоса чиқарса, феълидаги ёмон иллатларни тарк этиб, яхши хислатлар сари юз бурса, бир маъмурий ҳуқуқбузарлик ортида жиноят палак отиши, бир инсон шаънига «жиноятчи» деган тамға босилишининг олди олинган бўлади», деган ўйлар ўтди.

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

БРИФИНГ

# НОВОВВЕДЕНИЯ В ПОМОЩЬ БИЗНЕСУ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВУ

**В столичном отеле «Миран» состоялся брифинг, в котором приняли участие представители Управления международного сотрудничества и Главного управления миграции и оформления гражданства МВД Республики Узбекистан, граждане КНР, осуществляющие трудовую деятельность в нашей стране, работники посольства КНР в Узбекистане, журналисты**

Представители Посольства КНР в Узбекистане отметили, что за прошедший, 2019 год, в сфере узбекско-китайских отношений отмечено динамичное развитие предпринимательской деятельности, успешное продвижение и осуществление инвестиционных проектов. В этом аспекте необходимо отметить весомую поддержку и помощь со стороны МВД Узбекистана. Сотрудники министерства на высоком профессиональном уровне обеспечивают безопасность китайских предпринимателей, активно содействуют в решении различных вопросов и проблем, делают все от них зависящее, чтобы граждане Китая чувствовали себя в нашей республике комфортно, ощущали заботу и внимание.

В ходе брифинга присутствующие были ознакомлены с основными правилами касаемо паспортного контроля, регистрации иностранных граждан, трудовых виз и их продления, перемещения по территории республики, мерами ответственности в случае нарушения закона. Учитывая то обстоятельство, что в сфере миграции и оформления гражданства введено немало новшеств, значительно упрощающих и оптимизирующих вопросы пребывания в нашей республике представителей зарубежных государств, граждане КНР, участвовавшие в мероприятии, проявили активность. Они живо интересовались нововведениями, действиями, которые необходимо предпринять при возникновении той или иной спорной ситуации, задавали вопросы ответственным лицам Главного управления миграции и оформления гражданства.

**Г. ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент**
**«На посту».**

ВЕТЕРАНЫ – В СТРОЮ

# ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ПОКОЛЕНИЙ



**Весомый вклад в сохранение и приумножение славных традиций органов внутренних дел вносят ветераны. Они пользуются огромным авторитетом среди молодого поколения стражей правопорядка. Их богатый профессиональный и жизненный опыт востребован: ветераны активно участвуют в деле воспитания личного состава ОВД, осуществляют наставничество, тем самым укрепляя живую связь поколений**

Одним из таких неутомимых ветеранов является полковник в отставке Карим Каримович Исраилов.

За плечами Карима Каримовича – годы службы в органах внутренних дел, причем, он всегда находился на переднем крае воспитательной работы.

В своей деятельности, по словам Карима Каримовича, он опирался на таких опытных сотрудников, как подполковники Алексей Волков, Вадим Окель, возглавлявших в разные годы ОВД (ныне УВД) города Чирчика, преданных своему делу и служебному долгу, многие годы прослуживших в ОВД майора Жумана Сариева, подполковников Юлдаша Пулатова, Абдурахмона Жуманова, Абдумажида Рашидова и др.

– Нас объединяло общее дело и ответственность за личный состав, – делится Карим Каримович. – Требования росли с каждым днем, но никто не роптал, мы успешно справлялись с поставленными задачами.

Карим Каримович воспитал плеяду достойных учеников, многие из которых сегодня уже сами ветераны и ведут активную работу с молодыми сотрудниками. Это подполковники в отставке Кахрамон Эрназаров, Тахир Ирисбаев и др.

– Горжусь тем, что среди учеников, продолжающих успешно служить, есть те, кто идет по линии воспитательной работы. Один из них подполковник Миродил Мирсалихов. В настоящее время он является заместителем начальника по воспитательной работе УВД города Чирчика.

Надо сказать, что после официального выхода на заслуженный отдых сам отдых у Карима Каримовича оказался весьма недолгим. В 2005 году его избрали председателем Совета ветеранов Чирчикского УВД. Ветеранская организация городского УВД активно работает, и в этом немалая заслуга ее председателя, обладающего неиссякаемой энергией и энтузиазмом. А в последние годы работы еще прибавилось, поскольку Карим Каримович избран также заместителем председателя Совета ветеранов ГУВД Ташкентской области.

Мудрость старшего поколения и инициатива молодежи неразрывно связаны в служебной деятельности сотрудников УВД города Чирчика. Опыт и знания, а также ценные советы и рекомендации, которыми делятся ветераны с молодым поколением сотрудников, позволяют оперативно и эффективно решать поставленные служебные задачи.

**Р. ТУМПАРОВ,**
**корреспондент**
**«На посту».**

## Мы – будущие защитники Отечества!











14 ЯНВАРЯ – ДЕНЬ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ

# ПОД НАДЕЖНОЙ ОХРАНОЙ

**Сегодня наш рассказ о военнослужащих войсковой части 7255 Главного управления войск МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах**



– Военнослужащие подразделения выполняют ответственные задачи по обеспечению безопасности в международном аэропорту «Андижан», – говорит командир войсковой части майор Анвар Мамиров. – Личный состав подразделения, состоящий из военнослужащих, проходящих службу по контракту, и солдат срочной службы, прилагает все усилия для того, чтобы в аэропорту и прилегающей к нему территории царил стабильный общественный порядок.

Командир взвода капитан Миршод Раджапов, начальник медицинского пункта старший лейтенант медицинской службы Ойбек Машарипов, заместитель командира взвода лейтенант Сарвар Сафаров, старший офицер отделения кадров лейтенант Сардор Равшанов, командир группы сержант Рахматилло Хожиматов, младший контролер младший сержант Бехруз Баратов, старший стрелок рядовой Шамсиддин Нажимов служат честно, с большой ответственностью выполняют служебный долг и являются примером для других.

Не отстают от мужчин и женщины: младшие контролеры – младшие сержанты Зулфия Буронова, Машхура Юнусова, Шохсанам Нуралиева и Дилором Эргашева.

В подразделении широко развита школа наставничества. Старший сержант Бахтиёр Сафаров, сержанты Рахматилло Эркабаев и Санжар Алимов, отслужившие по 20 и более лет, передают молодым свой опыт, знания, секреты службы.

В эти дни в войсковой части проходят дни открытых дверей, в ходе которых школьники и лицеисты учебных заведений города Андижана знакомятся с бытом военнослужащих, осматривают военную технику и вооружение, посещают казарму, столовую, клуб и библиотеку.

Воспитание молодежи в духе патриотизма – одна из главных задач, стоящих перед обществом. Совершать подвиги во имя Родины можно не только на полях сражений. Проявлять все эти качества нужно и в повседневной жизни, в созидательной работе во имя процветания страны.

**Б. КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
*Андижанская область.*



## ПОЗДРАВЛЯЕМ!

Старший сержант Сохибжон Дехконов работает в органах внутренних дел с 1994 года. Основная часть службы проходила в подразделениях патрульно-постовой службы, затем – в хозяйственном отделе. В настоящее время он сотрудник отделения охраны подразделения материально-технической и хозяйственной службы Управления финансового и материально-технического обеспечения УВД Наманганской области. За отличную работу старший сержант С. Дехконов был отмечен нагрудным знаком «Ички ишлар органларида бенуқсон хизматлари учун».

ПОЗДРАВЛЕНИЕ

# Защитники Родины – лицо нашего государства

**Современный защитник Родины – это, прежде всего, человек, охраняющий Отчизну от врага, защищающий границы страны. Это понятие не имеет возрастных и гендерных ограничений**



Защитник, в первую очередь, должен быть здоровым, ловким и смелым человеком, профессионалом, умеющим принимать правильные решения в самых сложных ситуациях.

Оборона Родины – не только служба в Вооруженных Силах, но и развитие науки, обеспечение прав и свобод граждан, формирование гражданского общества и гражданской позиции.

Если рассмотреть образ защитника Родины более конкретно, то мы увидим людей, не только охраняющих страну от внешней агрессии, но и ведущих борьбу против преступлений и пороков общества. Благодаря защитникам Отечества улучшается экономическая, возрождаются нравственная и духовная составляющие нашей жизни.

В масштабах быстро меняющегося мира, в период глобализации нарастает угроза терроризма, торговли людьми, экстремизма, коррупции, мошенничества. Доблестные стражи порядка и спокойствия ведут борьбу против этих пороков, обеспечивают общественую безопасность, чистое небо над нашими головами.

Современный защитник должен быть отважным и надежным, смышленым и находчивым, целеустремленным и решительным, обладать стойкой психикой и непоколебимой силой воли. Не только мужчин можно назвать защитниками Родины. Женщины тоже защищают Отечество, охраняют семью, друзей. Наряду с мужчинами они работают на государственной службе, а также занимаются воспитанием детей и ведут домашнее хозяйство. Я восхищаюсь их выдержкой и самообладением.

Пользуясь случаем, хочу поздравить с праздником всех коллег, несущих круглосуточную службу в различных погодных условиях, следователей, сотрудников оперативно-розыскной, экспертно-криминалистической служб, пенитенциарной системы, – всех защитников Родины.

**Д. ТАДЖИБАЕВА,**
**подполковник.**

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# ЮРТГА ҚАЛҚОНДИР ЙИГИТНИНГ МАРДИ

**Жиззах вилоятида бўлиб ўтган тадбирда вилоят ҳокими Эргаш Салиев сўзга чиқиб, мамлакатимиз Президентининг 14 январь — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.**

Тантанада мамлакатимиз раҳбарининг фармони асосида давлат мукофотларига сазовор бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига орден ва медаллар ҳамда байрам совғалари топширилди. Тақдирланганлар орасида Жиззах вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Ҳамза Салаев ҳам бор.



— Бугунги байрам менга икки карра қувонч бахш этди, Президентимиз фармони асосида «Шуҳрат» медали билан тақдирландим, давлатимиз раҳбарининг менга билдирган ишончини доим оқлашга ҳаракат қиламан, — дейди Ҳамза Салаев. — Хизматимнинг шу тарзда юксак баҳоланишини бутун шахсий таркибимизга билдирилган ишонч сифатида қабул қилдим. Шундай экан, келгусида эл осойишталигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳамда қонунбузарликларга қарши курашга қаратилган фаолиятимизни янада мукаммаллаштиришга ваъда бераман.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

**Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тадбирда барча ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоатчилик ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни вилоят ҳокими Ўктам Барноев очиб, барчани ушбу айём билан табриклади.**



Шундан сўнг касбий ва жанговар тайёргарлигини оширишга ҳисса қўшган ҳамда йил якуни бўйича юқори натижаларга эришган ҳуқуқ-тартибот ходимларини тақдирлаш маросими бошланди. Улар орасида Пешку тумани ИИБ 8-сон ички ишлар бўлинмасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Ҳамза Ҳусенов борлиги барча осойишталик посбонларини қувонтирди. У Президентимиз фармонига биноан «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Шунингдек, тантанали тадбирда хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашган осойишталик посбонларига вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*



**Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармасида бўлиб ўтган тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Д. Назармухамедов Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант П. Бобожоновнинг байрам табригини ўқиб эшиттирди.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малака ва маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига муносиб ҳисса қўшган ИИВ Хоразм академик лицейи директори, подполковник Рўзибой Машарипов ҳамда ИИВ Хоразм вилояти бўйича бошқармаси отряд командири, подполковник Зоҳиджон Бобомурадовга «Шуҳрат» медали тантанали равишда топширилди.

Мукофотланганлар сўзга чиқиб давлатимиз раҳбарига билдирилган ишонч учун ўз миннатдорлигини билдиришди.

Байрам кечасида ички ишлар органлари фахрийлари ҳамда хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига ҳам алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди ва байрам совғалари топширилди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ**
**олган суратлар.**





# ЧЕСТВОВАЛИ ХРАБРЫХ СЫНОВЕЙ РОДИНЫ

**Руководители УВД Наманганской области от имени всех сотрудников органов внутренних дел области возложили к подножию монумента корзину с цветами. Небывало длинная колонна людей выстроилась для того, чтобы почтить в образе Скорбящей матери всех матерей, вырастивших и воспитавших верных сыновей Отчизны.**

Памятник утопал в цветах. Это так прекрасно, что трогает за душу не только взрослых, но и подрастающее поколение. Детский коллектив, участвовавший в празднике, порадовал присутствующих своими стихами и искренними пожеланиями.

В Управлении внутренних дел Наманганской области проходили мероприятия, приуроченные к Дню защитников Родины. В торжественной обстановке были названы имена тех, кто отличился своей честной и самоотверженной службой и добился признания руководства Министерства внутренних дел республики.

Начальник Управления борьбы с терроризмом и экстремизмом УВД Наманганской области Собиржон Абдухомидов и начальник Янгикурганского РОВД Носиржон Мирзахмедов получили очередное специальное звание «полковник», а старший инспектор-дежурный дежурной части Организационного управления УВД Наманганской области Абдуллажон Муродов – очередное специальное звание «подполковник». Нагрудным знаком «Аъло хизматлари учун» отмечены начальник УКД ОВД г. Намангана подполковник Авазбек Хужахонов и инспектор по особо важным поручениям Управления кадров УВД Наманганской области подполковник Махмуджон Арсланов.

**А. ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
*Наманганская область.*



НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# В СЛУЖБЕ ВАЖНО ТРУДОЛЮБИЕ

**– считает заместитель начальника Организационного управления УВД Самаркандской области майор Баходир Рахматов. Накануне празднования Дня защитников Родины он был награжден медалью «Шухрат»**



Согласно Указу Президента «О награждении группы военнослужащих и сотрудников правоохранительных органов в связи с 28-летием Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Днем защитников Родины», государственная награда была торжественно вручена хокимом Самаркандской области Э. Турдимовым.

Баходир Рахматов уже в молодости знал, что пойдет по стопам дяди, который работал инспектором профилактики. Он пробудил в мальчишке любовь к этой профессии. Понимая, что служба в органах внутренних дел – напряженная, но важная и очень нужная работа, требующая мужества и отваги, выносливости и хорошей физической подготовки, Б. Рахматов записался в секцию по курашу. Он и сейчас отводит занятиям любимым видом спорта несколько часов из своего плотного графика.

Говоря о личных качествах Баходира Эсиргаповича, необходимо подчеркнуть его трудолюбие, энергичность, ответственность и непримиримость к любой, даже малейшей неточности. Пунктуальный, собранный, инициативный, Б. Рахматов, несомненно, является примером для молодого поколения.

– Мне кажется, что именно работа позволяет расти, приносит достаток, придает уверенности в своих силах и завтрашнем дне, – делится майор Б. Рахматов. – Бывало, трудился сутками, ночами оставался на сменах, но никогда не жалел, что выбрал этот путь. Если человек искренне относится к работе, семье, Родине, то ему все обязательно воздастся. Это первая государственная награда за 18 лет службы. Быть удостоенным доверия народа и Родины, навсегда сохранить преданность священному долгу – для меня большая честь. Мне посчастливилось попасть в сплоченный и дружный коллектив. Здесь я получил первый опыт, квалификацию и служебную закалку. Хочу поблагодарить нашего уважаемого Президента за эту высокую награду. Она обязывает служить с еще большим рвением на благо Родины и народа.

**З. БАЛТАЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ТАЖРИБАЛИ УСТОЗ

**Муддатли хизматдан сўнг Зафарбек Сулаймонов Андижон вилояти ИИБ Махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядига хизматга қабул қилинди. 2003 йили уни вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонига ўтказиб, 2-отряд бўлинмаси командири этиб тайинлашди.**



Ўшандан бери орадан 17 йил ўтди. Шу йиллар давомида сержант Зафарбек Сулаймонов ўнлаб муносиб шогирдлар тарбиялади. Улар ҳозирги кунда вилоят ИИБнинг турли бўлинмаларида хизмат қилмоқда. Унинг ўзи эса шогирдлари – сафдорлар Ғиёсиддин Очилдиев, Сардорбек Маматов, Халилилло Сойипов билан бирга вилоят марказида осойишталикни сақлаб келмоқда.

Шаҳарда патруллик қилиш чоғида Зафарбек Сулаймонов бир неча бор ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйишига тўғри келган.

– Икки йил олдин, куз фаслида, Андижон шаҳрининг эски шаҳар қисмида шеригим билан хизмат ўтаётган пайтда «Нексия» автомашинаси ҳайдовчиси, кекса киши муюлишда бошқарувни йўқотиб қўйди ва Андижонсой каналига тушиб кетди. Автомобиль салони сувга тўла бошлади. Шунда ўйлаб ўтирмасдан, эгнимдаги курткани ечиб, ўзимни сувга отдим. Машинанинг эшигини очиб, ҳайдовчини бир амаллаб қирғоққа олиб чиқдим. Бу вақтда шеригим «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Тиббиёт ходимлари бир зумда етиб келишди ва жабрланувчига ёрдам кўрсатишди.

– Бу Зафарбек Сулаймоновнинг мард ва жасур инсон эканини тасдиқловчи ҳодисалардан бири, холос, – дейди ППХ батальони командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Азизбек Йўлдошев. – Яқинда у қамоқхонадан қочган хавфли жиноятчини қўлга олишга муваффақ бўлди. Патрулликка чиққан нарядлар қидирувда бўлган ва терговдан қочиб юрган шахслар билан боғлиқ кўрсатмалар олишади. Шу куни деҳқон бозори бўйлаб бемақсад изғиб юрган шубҳали киши тажрибали осойишталик посбонининг эътиборини тортди. З. Сулаймонов ўша кимсанинг ёнига яқинлашиб, ундан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини сўради. Шубҳали шахс қочишга тушди, аммо сержант унга бир зумда етиб олди ва қўлларига кишан тақди...

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ, кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун сержант Зафарбек Сулаймонов «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Андижон вилоятида қутлуғ санага бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда З.Сулаймоновга мазкур мукофотни вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов топширди.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**«На посту» мухбири.**
*Андижон вилояти.*

***Суратда:** сержант З.Сулаймонов (ўртада) шогирдлари – сафдорлар М. Азизов ва Х.Сойипов билан.*
**Муаллиф олган сурат.**

СЛЕДСТВЕННОЕ ЗВЕНО

# Эффективные решения – путь к успеху

**По инициативе руководства Следственного управления при ГУВД г. Ташкента в следственном подразделении при УКД ОВД Мирабадского района была проведена выездная встреча с участниками процесса по уголовному делу**



Во встрече приняли участие заместитель начальника ГУВД г. Ташкента полковник З. Алимов, ответственные сотрудники управления, а также участники процесса по уголовным делам.



В ходе мероприятия рассмотрены жалобы и заявления участников процесса. Было установлено, что один участник не согласен с принятым решением по проведенному предварительному расследованию, второй участник процесса просил по уголовному делу в отношении него применить институт примерения, а остальные участники процесса попросили провести полное, всестороннее и качественное предварительное расследование по уголовным делам.

Все обращения участников процесса были выслушаны. Для принятия законных решений со стороны руководства ГУВД г. Ташкента были даны соответствующие указания руководству следственного подразделения при УКД ОВД Мирабадского района.

В ходе мероприятия также состоялась торжественная церемония вручения гражданских паспортов представителям молодежи, достигшим 16-летнего возраста.

**В. ТАЛИБЖАНОВ,**
**подполковник.**

ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

# СЛЕДЫ, ВЕДУЩИЕ К ИСТИНЕ

**Наряду с оперативным исследованием улик, помогающим раскрывать преступления по горячим следам, экспертно-криминалистическая служба играет важную роль в предупреждении преступности и охране общественного порядка**

– В соответствии с требованием времени усовершенствованы все отраслевые службы, в том числе и наша, – говорит заместитель начальника ЭКО УВД Бухарской области подполковник Эркин Раджабов. – Специалисты проводят дактилоскопическую, трасологическую, баллистическую, почерковедческую, технико-криминалистическую экспертизу документов, экспертизу автотехнических средств и строительной техники, химическую экспертизу наркотических веществ. Благодаря полученным заключениям удается в короткие сроки раскрывать преступления, устанавливать личности. Например, за истекший период было идентифицировано 25 трупов, согласно постановлениям следственных и дознавательных органов получены результаты 1927 судебно-криминалистических и химических экспертиз.

Раскрываются и «старые» дела. Так, четыре года назад житель МСГ «Сармижон» Гиждуванского района М. Р. обратился в ОВД с заявлением о том, что угнан его автомобиль марки «Нексия», стоявший вдоль трассы М-37, пролегающей по территории села Гаждумак. Машина была найдена в тот же день, однако преступников поймать не удалось. О том, кто украл машину, стало известно время спустя.



– Летом прошлого года сотрудниками Караулбазарского РОВД в ходе мероприятий, проводимых в рамках дня профилактики правонарушений, были переданы в наш отдел отпечатки пальцев. Мы внесли их в базу АДИС «СОНДА». При проверке стало известно, что отпечатки одного из граждан оказались идентичными отпечаткам пальцев, оставленным неизвестным в угнанной 7 сентября 2015 года машине жителя Гиждуванского района М. Р. В беседе подозреваемый признался в совершенном им преступлении, – рассказал начальник подразделения ЭКО УВД Бухарской области майор Бунёд Хамроев.

Одним из требований руководства Главного экспертно-криминалистического центра МВД Республики Узбекистан является наличие у каждого эксперта допуска на проведение дактилоскопических, трасологических и баллистических исследований. В марте–апреле 2019 года обучение прошли молодые кадры, только принятые на службу в низовые подразделения, а группа сотрудников УВД области повысила квалификациию, прослушав занятия по проведению трасологической экспертизы. Они получили свидетельства на право исполнения данного вида исследований.

**М. АХАДОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Бухарская область.*

ПОСТАНОВЛЕНИЕ И ЕГО ИСПОЛНЕНИЕ

# ЛЮБОЕ НАСИЛИЕ НАД ЖЕНЩИНАМИ БУДЕТ КАРАТЬСЯ ЗАКОНОМ

**«Пришло время изменить ситуацию и начать бороться за права женщин», – отметила заместитель хокима, председатель Комитета женщин Самаркандской области Г. Алимова**



В хокимияте Самаркандской области состоялось собрание с участием представителей правоохранительных органов, министерств юстиции, здравоохранения, занятости и трудовых отношений, благотворительного фонда «Махалла» и председателей районных отделений комитетов женщин. Председатель Комитета женщин Самаркандской области Г. Алимова остановилась на важных аспектах Положения о порядке выдачи защитного ордера женщинам, пострадавшим от притеснения и насилия, обеспечения его исполнения, проведения мониторинга, утвержденного Постановлением Кабинета Министров от 4 января 2020 года.

– Каждый из присутствующих должен на местах рассказывать о сути и значении Закона Республики Узбекистан «О защите женщин от притеснения и насилия», – отметила Г. Алимова. – Цель данного Закона – защита представительниц прекрасного пола от всех форм притеснения в жизни, на работе, в сфере образования и других областях. В Законе дается четкая характеристика ряду понятий, в числе которых «притеснение», «насилие», «психологическое насилие», «физическое насилие», «половое насилие», «экономическое насилие», «жертва притеснения и насилия», «охранный ордер» и другие.

Теперь как сама пострадавшая, так и любой другой человек могут обратиться с заявлением в органы внутренних дел. Основанием для выдачи защитного ордера могут быть и результаты расследования происшествия компетентными органами, и информация, распространенная в СМИ или соцсетях.

По словам заместителя начальника Управления профилактики правонарушений УВД Самаркандской области – начальника отдела по вопросам женщин подполковника Р. Киличевой, основная работа по выдаче защитного ордера ляжет на плечи инспекторов профилактики. В связи с этим они пройдут специальный курс обучения по его выдаче и принятию решения о возмещении обидчиком расходов на лечение и медицинскую помощь.

– Согласно порядку, инспектор профилактики правонарушений ОВД в течение 30 дней выдает защитный ордер – документ имеет серию и номер. Копия ордера передается лицу, совершившему насилие, еще одна копия остается у инспектора, – поясняет подполковник Р. Киличева. – Защитный ордер налагает запрет на контакты между лицом, совершившим насилие, и пострадавшей и нахождение их в одном помещении. Лица, совершившие насильственные действия или склонные к этому, пройдут специальные программы, направленные на корректировку их поведения. По требованию жертвы или ее законного представителя о предоставлении убежища соответствующие уполномоченные органы и организации обеспечивают размещение в специальных реабилитационных центрах – шелтерах. Их в области насчитывается 17. В прошлом году в шелтеры обратились около 700 женщин, им была оказана психологическая, правовая и социальная помощь.

Несмотря на то, что в законодательстве предусмотрено уголовное наказание за физическое насилие в отношении любого лица, на практике случаи насилия в отношении женщин, особенно на семейно-бытовой почве, замалчиваются, следуя принципу: дело семейное, сами разберутся. Закон «О защите женщин от притеснения и насилия» призван переломить эту ситуацию и призвать обидчика к ответственности. Ведь зачастую пострадавшая сторона находится в материальной или иной зависимости от агрессора, а само насилие может носить систематический характер.

Ожидается, что в целом принятые нормативно-правовые акты будут служить воспитанию уважения к женщине, повышению ее роли в семье и обществе, формированию механизмов предупреждения притеснения. Специальный охранный ордер будет гарантировать безопасность женщинам, ставшим жертвами насилия. По истечении срока размещения в специальном центре, при наличии новой угрозы, администрация центра обязана сообщить об этом в правоохранительные органы.

Размещение жертвы притеснения и насилия в специальный центр производится по ее желанию на срок до тридцати дней. В случае необходимости, срок продлевается в порядке, установленном уставом центра. Ордер выдается органами внутренних дел в течение 24 часов с момента констатации факта притеснения и насилия, или угрозы совершения насилия, сроком до 30 дней и вступает в силу с момента оформления. Срок его действия продлевается не более чем на 30 дней.

Ожидается, что будут созданы условия для ведения государственными ведомствами объективной статистики, которая позволит увидеть всю полноту проблемы, анализа и разработки эффективной стратегии по пресечению фактов притеснения и насилия в отношении женщин, а также профилактики в этом направлении.

**З. БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
*Самаркандская область.*
**Фото автора.**

ВОПРОСНИК

# ЛИТЕРАТУРА, ИСКУССТВО, ТУРИЗМ



**Фазлиддин ОРТИКОВ, старший следователь следственного отделения при ОВД Нарынского района Наманганской области, капитан:**

**Три вопроса сотруднику органов внутренних дел:**
**1. Какую книгу вы прочитали?**
**2. Как давно посещали театр?**
**3. Какую достопримечательность страны посетили недавно?**

**1.** С большим интересом читаю произведения Тохира Малика. Последние из прочитанных его книг – «Одамийлик мулки» и «Иблис девори». В них повествуется о противоборстве добра и зла, о нравственных ценностях – справедливости, честности, верности, самоотверженности, подчинении личных интересов общему благу. Кстати, в период обучения в Академии МВД республики мне посчастливилось общаться с писателем (Тохир Малик тогда работал преподавателем в нашем вузе). Читаю его произведения и словно вступаю в беседу с мудрым наставником.

**2.** Честно признаюсь, регулярно бывать в театре получается не всегда. Знаю, что наш прославленный областной театр музыкальной драмы поставил пьесу «Соҳибқирон Амир Темур ёхуд адолат қиличи» на основе исторической драмы Асрора Самадова, которая была очень тепло принята зрителями не только в Намангане, но и в ходе гастролей в Ташкенте, Кыргызстане. Для себя я уже решил, что обязательно выкрою время и с семьей пойдем на этот спектакль.

**3.** Вместе с коллегами посетили мемориальный комплекс имени Исхокхона Тура Ибрата, открывшийся не так давно в Туракурганском районе. В самом центре комплекса установлен памятник Ибрату – видному деятелю эпохи национального возрождения. Примечательно то, что, благодаря своеобразному архитектурному решению, все аллеи комплекса ведут к подножию этого величественного памятника. Ознакомились также с экспозицией музея, где собраны уникальные вещи и документы, рассказывающие о самом просветителе и об эпохе, в которой он жил и творил. При посещении музея перед нами предстала многогранная деятельность этого талантливого человека, основателя первой типографии в Ферганской долине, автора многочисленных научных, исторических трудов.

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

# ПИРОВАРД МАҚСАД – ХАЛҚ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИШ

**Комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ҳудудларнинг секторларга ажратилиши аҳоли муаммоларини мунтазам ўрганиб бориш ва ҳал этиш имконини бермоқда. Пойтахтимизнинг аҳоли зич жойлашган туманларидан бири бўлган Шайхонтоҳур туманида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**



Ўтган 2019 йилда туман ИИОФМБга бириктирилган 3-сектор ишчи гуруҳи томонидан аниқ вазифалар асосида белгилаб олинган тақсимот бўйича ҳудуддаги ҳар бир хонадонда хатлов ўтказилиб, мавжуд муаммолар ўрганилди ва уларни босқичма-босқич бартараф этиш чоралари кўрилди. Жумладан, аҳоли билан ўтказилган мулоқотлар жараёнида 1112 та хонадонда турли хилдаги муаммолар мавжудлиги маълум бўлди. Эътиборли томони, ўнлаб соҳаларга тааллуқли бўлган мазкур муаммоларнинг 1098 таси тўғри ва аниқ ташкил этилган чора-тадбирлар натижасида батамом ҳал этилишига эришилди. Ҳал этилмай қолган 14 таси эса уй-жой билан таъминлаш масаласи бўлиб, бу муаммони мутасадди идоралар билан биргаликда бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Бевосита аҳоли турар жойларида ўтказилган мулоқотлар билан чекланмаган ҳолда, туман ИИОФМБ бошлиғи, полковник Улуғберди Нарзуллаев бошчилигида ўтказилган сайёр қабулларда ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича фикр-мулоҳазалар, таклиф ва ташаббуслар атрофлича муҳокама қилиб борилмоқда. Сектор раҳбари ташаббуси билан аҳоли ўртасида турли йўналишларда бу каби учрашувлар ўтказилишидан кўзланган мақсад фуқаролар билан яқин мулоқот муҳитини шакллантириш ва бу жараёнда уларни қийнаётган кичик муаммоларгача ўрганиш ҳамда ҳар бирини қисқа муддатларда ҳал қилишга эришишдан иборат.



Мисол учун, «Шофайз» маҳалла фуқаролар йиғини биносида ўтказилган сайёр қабул жараёнида маҳалланинг 2-тор кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар оқова сув тизими узоқ йиллардан буён йўқлиги, бу эса кўплаб ноқулайликлар келтириб чиқараётгани юзасидан мурожаат қилганди. Ушбу масала шу ернинг ўзида ҳал этилиб, мутасадди ташкилотлар вакиллари билан биргаликда оқова сув тизимини энг мақбул йўналиш бўйича ўрнатиш режалаштириб олинди ва кўп ўтмасдан муаммо ўз ечимини топди. Умуман олганда, ўтган йили сектор ҳудудида яшовчи аҳоли томонидан амалий ёрдам сўраб қилинган мурожаатларнинг 228 таси ижобий ечим топиб, шу каби турли даражадаги муаммолар бартараф этилди.

Сектор ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали фаолиятларини янада кенгайтиришлари учун уларга кўмак бериш иши ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, ўтган йили 4 миллиард 523 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиши натижасида 203 та янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Ҳудудда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш ҳам сектор раҳбари томонидан алоҳида назоратга олинган. Хусусан, боқувчисини йўқотган, ногирон фарзанди бор 15 нафар аёлнинг имтиёзли шартлар асосида кенг ва шинам уй-жойлар билан таъминлангани уларнинг ҳаётида унутилмас воқеага айланди.

Бундан ташқари, сектор ҳудудида соғлиқни сақлаш йўналиши бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Даволанишга муҳтож 410 нафар фуқаронинг саломатлигини тиклашига амалий кўмак берилди.

**Санжар ҚУРБОНМУРОТОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

# МАХСУС ТЕХНИКАЛАР КЎРГАЗМАСИ

**ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадасида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтди.**

Тадбирда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-ихтисослашган умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирок этди. Уларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида айтган байрам тилаклари, Ватан, тинчликни улуғловчи шеърлари, шунингдек, саҳна асарлари осойишталик посбонларига байрам совғаси сифатида туҳфа этилди. Шундан сўнг ички ишлар органлари ходимларининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда фойдаланадиган махсус техникалар кўргазмаси намойиш этилди. Скутер ва бошқа хизмат автоуловлари ҳақидаги батафсил маълумотни ёшлар зўр ҳаяжон билан тинглашди. Фаол қатнашган ўқувчиларга китоблар совға қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Шамсиддин КАМОЛИДДИНОВ, 6-синф ўқувчиси:**

– Ички ишлар органлари ходимлари билан яқиндан биринчи марта мулоқот қилишим. Кўчаларда уларнинг хизмат машиналарида юрганини кўрамиз. Бугун уларнинг фаолияти ҳақидаги таассуротларим анча бойиди. Тенгдошларим орасида халқимизнинг осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилишни хоҳлаганлар кўпчиликни ташкил этади.



**Исломжон АБДУВАЛИЕВ, 7-синф ўқувчиси:**

– Ички ишлар органлари ходимларининг хизматда фойдаланадиган жанговар қуроллари ҳамда махсус техника воситалари бизда катта қизиқиш уйғотди. Қуролларнинг техник хусусиятлари, фойдаланиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича зарур билимларга эга бўлдик. Шунингдек, бошқа техника воситаларидан фойдаланиш жараёнларини ички ишлар органлари ходимлари кўмагида амалиётда синаб кўрдик.





СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

# «ЛАЗГИ» – МИЛЛИЙ МЕРОС

**Ўтган йилнинг декабрь ойида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Ҳукуматлараро қўмитаси «Лазги»ни инсоният номоддий меросининг Репрезентатив рўйхатига овоз бермасдан кенг консенсус асосида киритишни маъқуллади. Шу тариқа, Хоразм рақси – «Лазги» инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига Ўзбекистон маданий меросининг элементи сифатида киритилди.**

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Дўстлик» ордени соҳиби, «Лазги» ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Оғабек Собиров билан суҳбатимиз бевосита ана шу мавзудан бошланди.**

– «Лазги»нинг Юнеско томонидан эътироф этилиши нафақат Хоразм, балки бутун ўзбек халқи учун қувонарли воқеа бўлди. Ҳар бир халқнинг «Лазги»га ўхшаган миллий куй-қўшиқлари, оҳанглари бўлади. Буни қадим-қадимдан миллатнинг маданий бойлиги, миллий мероси, қолаверса, маданиятини ифодаловчи омил, десак, тўғри бўлади. Жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган халқаро эътироф, ҳаммамизга, айниқса, санъаткорлар, ижодкорларга илҳом бағишлади. Бу, ўз навбатида, бизни янада руҳлантириб, репертуарларимизни миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга ҳамоҳанг тарзда бойитиш, санъатимизни кенг тарғиб этиш борасида зиммамизга улкан масъулият юкланишини ҳам унутмаслигимиз керак.

**– Шу ўринда ансамбль тарихи ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.**

– Ансамблга 1957 йил Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов томонидан асос солинган. Кейинчалик Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистон халқ артисти, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, устозимиз Ортиқ Отажонов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Равшаной Шарипова, Раҳматжон Қурбоновлар ҳам ансамбль довруғини дунёга танитишда ўз ҳиссаларини қўшган. Улар Хоразм миллий мақоми, қолаверса, фольклор, халфачилик, бахшичилик йўналишлари, яллани ривожлантириб, айтишув, лапар каби жозибадор куй-қўшиқлар билан ансамбль репертуарини янада бойитган. Санъаткорларимиз довруғининг Осиё ва Европа мамлакатларига кенг тарқалишида бу фидойи устозларнинг алоҳида ўрни бор.

Шу ўринда айтиш керакки, ўтган йиллар давомида ансамбль ижодий жамоаси Тунис, Марокаш, Иордания, Миср, Ҳиндистон, Малайзия, Эфиопия, Афғонистон, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Исроил, Германия, Франция, Бельгия, Польша, Туркия каби дунёнинг кўплаб мамлакатларида концерт дастурларини намойиш этган. Бу жараён ҳозир ҳам изчиллик билан давом этмоқда.

2015 йилнинг январидан бошлаб мана шундай улуғ устозлар изидан бориб, улардан ўрганганларимни ёшларга, шогирдларимга ўргатиб, ансамбль ривожига озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Ўтган даврда пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» санъат саройи ҳамда республикамиз бўйлаб ҳисобот концертлари бериб, мухлисларга кўтаринки кайфият улашишга ҳаракат қиляпмиз. Бундан ташқари, бир қанча хорижий давлатларда бўлиб, ўзбек қўшиқчилик санъатини намойиш этяпмиз.

**– Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар санъаткор ва мухлис ўртасидаги виртуал кўприк вазифасини ўтаяпти. Сиз ҳам улардан фойдаланасизми?**

– Ижтимоий тармоқлар хоҳлаймизми-йўқми ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Улар биз учун жуда зарур бўлиб, айтганингиздек, мухлислар ва санъаткорни боғлаб турувчи кўприкдир. Мухлисларнинг ижодимиз ҳақидаги фикрлари ҳар доим бизни қизиқтиради. Бу ўз устимизда ишлашга, янада сермаҳсул ижод қилишга ундайди. Ўзим ҳам кўпинча Инстаграмдан фойдаланаман. Фейсбукда ҳам саҳифам бор.



**– Халқимиз қувончли кунларини санъаткорлар билан баҳам кўради. Бугун тўйларимиздаги қайси камчиликлар сизни ўйлантиради?**

– Халқимизнинг тўйлари, қувончли кунларида турли ёшдагилар иштирок этади. Шуни инобатга олиб, овоз кучайтиргичлар меъёрлаштирилса яхши бўларди. Бу маданиятнинг бир кўриниши бўлишидан ташқари, соғлиқ учун ҳам фойдалидир. Бундан ташқари, спиртли ичимликлар масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу ҳолатлар маданий ҳордиқ чиқараман, деб келган бошқа одамларнинг кайфиятини туширади. Спиртли ичимликларни меъёридан кўп ичиб, ҳар хил ҳаракатлар қилаётган одамлар санъаткорларнинг ҳам, тўйдаги меҳмонларнинг ҳам ғашига тегади. Мана шундай ҳолатларга чек қўйилса, менимча, нур устига нур бўларди. Албатта бу менинг шахсий фикрим.

**– Илгарилари устоз санъаткорлар Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуровлар катта-катта давраларда, стадионларда жонли, ҳатто овоз кучайтиргичсиз концерт беришган. Шу анъанани сизда ҳам кузатдик. «Халқлар дўстлиги»дай муҳташам саройда, тор чалиб жонли куйлашингиз таҳсинга сазовор. Бу чиқишингиз сиз ва созандалардан катта меҳнат талаб қилгандир?**

– Устозларимиз олдинлари жонли ижрода, ҳаттоки, овоз кучайтиргичсиз куйлашган. 2010 йилда «Халқлар дўстлиги» санъат саройидаги 10 кунлик концерт дастуримиз давомида ҳар куни иккита ашулани жонли ижрода устозларимизни эслаб, мана шундай қўшиқ айта оламиз, деган маънода эмас, уларнинг руҳи-поклари шод бўлсин деб, овоз кучайтиргичсиз айтганмиз. Бу ёш санъаткорларга ибрат бўлса, ажабмас. Биз айнан шу нарсани олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Фонограмма деган нарса ҳамма жойни қамраб олган бир пайтда жонли овозда куйлашимизни томошабинлар хурсандчилик билан кутиб олгани жуда қувонарлидир. Жонли ижрода куйлаш томошабин олдида санъаткорнинг қайсидир маънода имтиҳондан ўтишидир. Албатта, имтиҳон бўлгандан кейин унга жиддий тайёргарлик кўрилади. Тинимсиз меҳнат, изланишлар ўз натижасини берганидан кейин эса, барча машаққатлар эсдан чиқади. Ахир, санъатимиз билан халқнинг меҳрини қозониш, уларни санъатнинг сеҳрли оламига ошно этиш, кайфиятини кўтариш асосий мақсадимиз ҳисобланади.

**– Қўшиқ яратишда асосан қайси шоирларнинг шеърларидан фойдаланасиз?**

– Кўпинча мумтоз адабиётимизга мурожаат қиламан. Тўйларда, концертларда қўшиқ айтадиган бўлсак, асосан ёшларбопини куйлашга ҳаракат қиламан. Бунда ҳозирги замон шоирлари, масалан, Ошиқ Эркин, Арслон Карим, Мақсудбек Собиров, Эргаш Маткаримов ва бошқаларнинг шеърларидан фойдаланаман.

Ўқувчининг юрагига етиб борган шеърни қўшиқ қилсангиз, натижаси ҳам шунга яраша бўлади. Шунинг учун доимо мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, яхши шеърни қўшиқ қилишга ҳаракат қиламан.

**– Айрим хонандалар хоразм шевасини ўзининг шевасига мослаштириб ашула айтишади. Сизнинг бунга муносабатингиз қандай?**

– Хоразм қўшиқлари ўйноқи ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Уни ҳамма айтгиси келади. Хоразм санъатининг бағри кенг. Уни ҳар ким ўз шевасида айтгани билан йўналиши бузилиб қолмайди. Бунинг яхши томони Хоразм санъатини тарғиб қилишда намоён бўлади. Биз ҳам Бухороча, Сурхондарёча қўшиқларни айтамиз. Айтмоқчиманки, санъат ва санъаткорнинг асл вазифаси халқнинг яхши кунларига хизмат қилишдир.

**– Ижодий режаларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

– Яқин орада «Лазги» ансамблининг ҳисобот концерт дастурини ўтказамиз. Июнь ойида ўзимнинг ҳам яккахон концерт дастуримни томошабинларга тақдим этиш ниятидаман. Бундан ташқари, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия давлатларидан гастроль сафарларига таклифлар бўляпти. Улар фольклор йўналишидаги миллий қўшиқларимизни яхши кўришади. Ушбу давлатларга ижодий жамоамиз билан бориб, миллий санъатимизни дунёга тараннум қилиш ҳам режамизда бор.

**– Муштарийларга тилакларингиз.**

– Халқимизни санъатдан баҳраманд этишда тинчликнинг ўрни беқиёс, албатта. Уйи тинч, оиласида хотиржамлик бўлган кишигина қўшиқ эшитиши мумкин. Агар озгина дилхиралик ёки нотинчлик бўлса, юракка қил ҳам сиғмайди. Тинчликни таъминлаш йўлида кечаю кундуз фидойилик билан хизмат қилиб келаётган ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли хизмати таҳсинга сазовор. Ёзнинг жазирамасида ҳам, қишнинг аёзли кунларида ҳам улар зиммаларидаги хизмат вазифаларини масъулият билан бажараётганини кўриш мумкин. Газета муштарийларининг оиласига тинчлик-хотиржамлик тилайман. Осмонимиз мусаффолигини асраш йўлида ҳеч қачон толмангиз.

Шерзод **АБДУСАМАДОВ**
суҳбатлашди.








УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# Стратегия действий – путь к прогрессу

**В нашей стране в течение трех лет успешно реализуется Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, принятая по инициативе Президента Ш. Мирзиёева, являющаяся программным документом для коренного реформирования и модернизации государства и общества**




Стратегия действий создала новую систему в сфере обеспечения диалога с народом и защиты конституционных прав граждан. В этом отношении стоит отметить деятельность Виртуальной приемной Президента Республики Узбекистан, которая выступает в качестве индикатора эффективности государственных структур и местных органов власти и управления, механизма глубокого анализа обращений и их исполнения на местах.

За небольшой период работы Виртуальная приемная Президента страны превратилась в действенный инструмент решения вопросов, волнующих население, о чем свидетельствует статистика обращений. Таким образом последовательно реализуется принцип ответственности государственных органов и должностных лиц перед обществом. Более того, граждане ощущают сопричастность к проводимым в стране преобразованиям, что способствует укреплению взаимного доверия в отношениях государства и народа, служит фактором обеспечения стабильности общества, его прогрессивного развития.

Одним из приоритетных направлений Стратегии действий определено развитие и либерализация экономики, предусматривающие дальнейшее укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов ее роста, повышение конкурентоспособности. Данное направление определило модернизацию и интенсивное развитие сельского хозяйства, продолжение институциональных и структурных реформ по сокращению присутствия государства в экономике, дальнейшее усиление защиты прав и приоритетной роли частной собственности. Все это способствовало стимулированию развития малого бизнеса и частного предпринимательства, комплексному и сбалансированному социально-экономическому развитию регионов, районов и городов, активному привлечению иностранных инвестиций в отрасли экономики страны путем улучшения инвестиционного климата.




Другим важным направлением Стратегии действий является обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебно-правовой системы. В законодательство Республики Узбекистан внесены концептуальные изменения, затрагивающие различные сферы общественной жизни и деятельности государства. В частности, в систему уголовных наказаний был введен более мягкий, не связанный с лишением свободы вид наказания – «обязательные общественные работы». Сроки задержания лиц, подозреваемых в совершении преступления, сокращены с 72 до 48 часов; предельные сроки применения мер пресечения в виде содержания под стражей и домашнего ареста, а также предварительного следствия – с 12 месяцев до 7 месяцев. Кроме того, право выдачи санкций на арест почтово-телеграфных отправлений и производство эксгумации трупов передано от прокуратуры судам. Расширена сфера применения в судопроизводстве института «Хабеас корпус», усилена роль и значение судебного контроля в уголовном процессе.



Стратегия действий охватывает и сферу деятельности правоохранительных структур, в частности органов внутренних дел. Указом Президента нашей страны «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» от 10 апреля 2017 года реформирована система Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Основной целью реформ является создание гуманной системы органов внутренних дел, завоевывающей доверие народа, превращение идеи «Служение интересам народа» в главный критерий деятельности, утверждение в обществе принципа: «Закон и справедливость приоритетны, наказание – неотвратимо».

В целях укрепления правовых основ деятельности органов внутренних дел, усиления социальной защиты сотрудников были приняты 4 закона, 2 указа и 18 постановлений Президента Республики Узбекистан, 41 постановление Кабинета Министров, более 50 нормативно-правовых и иных актов МВД республики.

Осуществляются важнейшие направления реформирования, сформирован эффективный целевой механизм их реализации. Проведены широкомасштабные мероприятия по конкретному определению и распределению задач и функций подразделений органов внутренних дел всех уровней, оптимизации организационно-штатной структуры, разумному применению сил и средств.

Последовательно продолжается реализация реформ, есть все основания говорить об их результативности. Например, штатная структура органов внутренних дел приведена в соответствие с объемом работы – сокращены и переведены в низовые звенья штатные единицы верхнего звена.

Резюмируя сказанное, стоит отметить, что принимаемые государством меры свидетельствуют о том, что в условиях стремительно меняющегося мира Узбекистан продолжает совершенствовать механизм Стратегии действий, отдавая приоритет обеспечению верховенства закона, дальнейшему реформированию судебно-правовой системы и национально-экономического потенциала. Успешно реализуется множество идей, направленных на укрепление экономического, социального потенциала, международного имиджа страны.

Сотрудники органов внутренних дел, являясь истинными патриотами Родины, своим беззаветным служением, добросовестным исполнением профессиональных обязанностей вносят достойный вклад в осуществление задач, определенных в Стратегии действий, и обеспечивают их успешное воплощение в жизнь.

**А. МАТЧАНОВ,**
**доктор юридических наук,**
**доцент,**
**подполковник.**

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

Поздравление

### НАШИ ЗАМЕЧАТЕЛЬНЫЕ МУЖЧИНЫ!

Январский календарь украшен Днем защитников Родины, поэтому хочу поздравить мужчин и произнести в их адрес теплые слова.

Мужчины всегда были моими помощниками – делали ремонт, носили тяжелые сумки, сидели с мамой, когда она болела, а я не успевала вовремя вернуться домой. Они выручают и сегодня.

У мужчин и женщин немало общего, мы лишь по-разному проявляем свои эмоции. Мы требуем от наших вторых половинок стойкости духа, выдержки, и в то же время душевности и глубины чувств – всего и сразу! Хотим, чтобы они сделали нас счастливыми, но иногда забываем дарить счастье им. Давайте помнить о том, что наша любовь может окрылить их, поддержать в трудную минуту, согреть и придать сил, и тогда они смогут еще больше.

Любите своих мужчин – сыновей, мужей, отцов и братьев – и говорите им о том, какие они хорошие, не только в праздники...

**М. БУЛЫЧЁВА,**
**старший преподаватель**
**ВТИ Национальной гвардии**
**Республики Узбекистан.**

Викторина

# ОПРЕДЕЛЕНЫ ПОБЕДИТЕЛИ




В канун 28-летия образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Дня защитников Родины состоялся республиканский этап викторины по английскому языку – традиционного и ежегодно проводимого в структуре Национальной гвардии конкурса.

Данный турнир организован в рамках Месячника патриотизма под девизом: «Защита Родины – священный долг».

В трех турах свои силы и знания испытывали 10 команд, по шесть участников в каждой. Задания «Знакомство», «Вопрос-ответ», «Конкурс капитанов» выявили степень владения английским языком. Курсанты ВТИ, учащиеся военно-академического лицея «Темурбеклар мактаби» и Республиканского специализированного музыкального академического лицея, несмотря на свой юный возраст, проявили хорошее владение языком и яркие таланты.



3-е место заняла команда Perfect generation Республиканского специализированного музыкального академического лицея Национальной гвардии, на 2-м – команда Lions подразделения Национальной гвардии, расположенного в Ташкентской области. Победительницей стала команда Black eagles Военно-технического института Национальной гвардии.

Представитель команды Lions – рядовой Ф. Абдужалилов стал «Самым лучшим участником» викторины. Все победители и призеры получили дипломы и призы от командования Национальной гвардии Республики Узбекистан.

– К викторине по английскому языку готовились тщательно и серьезно. Надеемся, знания, которые мы получаем в Военно-техническом институте, помогут нам побеждать соперников, – сказал капитан команды Black eagles курсант Н. Махмудов.

**Н. ЗАФАРОВА.**
**Фото Н. МАМАТКУЛОВА.**



Проба пера

*... курсантского состава ВТИ НГ Республики Узбекистан*

### Курсантские погоны

*Не каждому дано носить погоны*
*И выдержать ответственности груз.*
*Я не пророк, но все же миллионы*
*мальчишек скажут: «Смерти не боюсь!»*

*Научимся служебной дисциплине,*
*За Родину, как штык, вставать стеной.*
*Домой вернемся – крепкие мужчины.*
*Спасем Отчизну мы любой ценой...*

*И будут в небе голуби кружиться,*
*И высоко поднимется наш стяг.*
*И будет нами Родина гордиться,*
*И в честь нее чеканить станем шаг!*

**курсант Д. КУРБАНБАЕВ.**




### Я твой факел, страна!

*Ты оком недремлющим с неба*
*Мои замечаешь шаги,*
*Быть честным и доблестным воином,*
*Мой Ангел, мне быть помоги!*
*Поверь, я не струшу в бою,*
*И дом свой собой заслоню,*
*За Родину встану скалой,*
*Ты крылья свои надо мной,*
*Как знамя Победы, раскрой.*
*Ни края любимой земли*
*Врагам у меня не отнять.*
*Я насмерть готов постоять*
*За честь и свободу страны.*
*Мой Ангел, ты мне помоги*
*Осилить любую беду!*
*В огонь я, как пламя, войду!*
*Собой факел веры зажгу*
*В достойных и верных сердцах!*

**курсант М. КАЙПАНОВ.**

Мероприятие

# ПООЩРЕНИЕ САМООТВЕРЖЕННЫХ СОТРУДНИКОВ

В рамках Месячника патриотизма было проведено мероприятие, приуроченное 28-летию образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан и 14 января – Дню защитников Родины. Встречу организовали сотрудники Самаркандского областного управления охраны Национальной гвардии Республики Узбекистан совместно с представителями Самаркандского областного управления Национального банка Республики Узбекистан.

Выступившие на мероприятии начальник областного управления охраны майор Рахим Номозов и начальник областного управления Национального банка Каюм Собиров подчеркнули важность самоотверженной и образцовой службы сотрудников, направленной на обеспечение охраны предприятий, организаций и учреждений, квартир и домов граждан, а также благополучия и спокойствия народа.

В завершение мероприятия группе сотрудников, несущих образцовую службу, были вручены памятные подарки, а их родителям – благодарственные письма.

Труд каждого самоотверженного защитника Родины заслуживает благодарность и признание.

**С. АБДИХОЛИКОВ,**
**заместитель начальника**
**Самаркандского областного**
**управления охраны**
**Национальной гвардии**
**Республики Узбекистан,**
**подполковник.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ИСТИҚБОЛИМИЗ КАФОЛАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида яқин беш йилликда мамлакатимиз забт этиши назарда тутилган улкан довонлар, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг механизмлари аниқ белгилаб берилган.**




Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Маълумки, аҳолининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш масалалари мамлакатимиз Президенти томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида энг муҳим ўрин эгаллайди. Бу масала бугун юртимизда барча ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакатимизни модернизация қилиш, янгилашнинг энг асосий шарти ва гаровидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини замонавий босқичга кўтаришдек ғоят муҳим вазифа доимий равишда кун тартибига қўйиб келинмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги, хусусан, ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотларнинг дастуриламалига айланди. Ўтган уч йилда тизим тубдан ислоҳ қилинди.



Эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар тизимни яратиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар муваффақиятли амалга ошириляпти. Бу борада қабул қилинган қонунлар ўз самарасини бера бошлади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари тизимида туб ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Бугунги кунга келиб ички ишлар органлари аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатадиган, унинг ҳар бир ходими эса халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айланмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси тизимдаги ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилишига хизмат қилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим қадам бўлди. Ушбу қарор мазкур тизимнинг замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади.

Бугунги кунда ички ишлар органларида юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрларни кўпайтириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мазкур вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 29 ноябридаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қарорда ички ишлар органларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг захирасини шакллантириш, шунингдек, тизим ходимларининг хизмат ўташини ташкил этиш соҳасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг кадрлар салоҳиятини юксалтиришга имкон берадиган сифат жиҳатдан янги тизими ташкил этилди. ИИВ Академиясида таълимнинг сиртқи шакли жорий этилди, вазирликнинг 14 та академик лицейи ташкил қилинди. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, ИИВ Академиясининг кундузги таълим шаклига қабул фақат ИИВ академик лицейлари, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари таркибидан амалга оширилиши белгиланди.



Маълумки, Ҳаракатлар стратегиясида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак», деган тамойил устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу муҳим ҳужжатда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усулларини жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Инсон манфаатлари, халқ фаровонлигини таъминлашда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ички ишлар органларида ҳам халқ билан аниқ мақсадли мулоқотлар ўтказилмоқда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди, аҳолининг муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашилмоқда.

Халқ билан мулоқот одамларнинг кайфиятига, уларнинг ислоҳотларга бўлган ишончи ортишига таъсир этиши билан ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун вазирлик раҳбарияти сайёр қабулларни ташкил этиб, одамларни ўзлари яшаб турган масканларда қабул қилиб, муаммоларни жойида ҳал этишга жиддий эътибор қаратяпти.

Тизимда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартиби ўрнатилди. Мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки, расмиятчилик билан ёндашувларга чек қўйилди. Фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситалар ишга солинмоқда.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориш тизими йўлга қўйилди. Амалга оширилган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилди. Фаолиятда қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилди. Бунинг натижасида инсоннинг ҳаёти, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, Президентимизнинг танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак, деган кўрсатмалари ички ишлар органларининг барча бўғиндаги раҳбарлари фаолиятининг муҳим мезонига айланиб улгурди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, эришилган ютуқлардан ғурурланиш ва мағрурланишга шошилмаслигимиз керак. Чунки ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ аҳолини безовта қилаётган талайгина муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Ҳаракатлар стратегиясида 2021 йилгача белгиланган вазифаларнинг кўлами ниҳоятда кенглигини англаб, ҳар биримиз ўз хизмат вазифамизга ўта масъулият билан, виждонан ёндашишимиз, ташаббус кўрсатиб хизмат қилишимиз лозим. Ана шундагина эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар органлари тизимини яратамиз.

**Баҳром САИДОВ.**
**подполковник.**

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

# МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ

## (1075–1144)

**Кўҳна Хоразм заминидан жаҳон фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Абул Қосим Замахшарий ана шундай улуғ сиймолардан биридир.**

Мутафаккирнинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий бўлиб, 1075 йил 19 мартда Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири – Замахшарда таваллуд топди. У ҳақдаги маълумотлар асосан ўрта аср араб манбаларида келтирилади. Отаси унчалик бадавлат бўлмаса-да, саводли, тақводор, диёнатли киши бўлган ва Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. Замахшарийнинг онаси ҳам тақводор аёллардан ҳисобланган.

Аллома ҳақидаги манбаларда ёзилишича «бир оёғи ёғочдан эди ва узун яктагини тушириб кийгани учун кўрган одам уни чўлоқ деб ўйларди». Оғир иллат туфайли у ёшлигидан бир оёқ бўлиб қолган ва шундан сўнг отаси уни энди оғир меҳнатга ярамайди, деб кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Бироқ ёшлигидан илмга ҳавасманд ўсган Маҳмуд отасидан ўзини мадрасага юборишни сўрайди. Ўғлидаги илмга бўлган зўр иштиёқ ва ҳавасни сезган отаси уни мадрасага беради.

Замахшарий илм-фаннинг турли соҳалари билан қизиқиб, толиби илмлар орасида зўр истеъдодини намоён қила бошлайди. У мадрасада ўқитиладиган илмларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмларни пухта эгаллашга киришади, ўша даврда илм аҳли орасида қадрланган хаттотлик санъатини ҳам мукаммал эгаллаб, ўз тирикчилигини бирқадар тузатади. Сўнг талабалик ёшига етгач, билимини янада ошириш, ҳар томонлама камол топтириш мақсадида Бухорога йўл олади.

Замахшарий Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил Хоразмшоҳлар хизматида бўлиб, котиблик билан шуғулланади. Бироқ қобилияти, илми, фазилатига яраша бирор мансаб ва муносиб эътибор кўрмагач, ўзга юртларга сафар қилади, мақсадларининг ушалишига умид боғлайди.

1118 йили Замахшарий оғир дардга чалинади, бу касалликдан тузалгач, ҳукмдорлар хизмати, мансаб ва мол-дунёдан мутлақо воз кечади, қолган умрини фақат илм-фанга бағишлашга, асарлар таълиф этишга астойдил қарор қилади.

Замахшарийнинг ўз даври илмларини тўлиқ эгаллаши, олимлик даражасига етишишида, шубҳасиз, устозларининг хизмати бениҳоя катта бўлган. Шундай устозлардан бири – тил, луғат ва адабиёт соҳасида машҳур олим Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарир Даббий Исфаҳонийдир. Исфаҳоний Хоразмда ҳам бир қанча муддат яшаган. Замахшарий Бағдодда шайхулислом Абу Мансур Наср Ҳорисий, Абу Саад Шаққоний, Абул Хаттоб ибн Абул Батар каби машҳур олимлардан ҳадис илмидан таҳсил олди. Маккада бўлганида эса наҳв ва фиқҳ илмини Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Талхат ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ябирий Андалусий, шайх Садид Хайятий, луғат илмини эса Абу Мансур Мавҳуб ибн Ҳадар Жаволиқий каби машҳур олимлардан ўрганди.

Замахшарий ҳаёти давомида Марв, Нишопур, Исфахон, Шом, Бағдод ва Ҳижозда, икки марта Маккада бўлди. Олим бу ерда илмий ишларини давом эттирди, араб тили грамматикаси ва луғатини ҳамда маҳаллий қабилаларнинг лаҳжалари, мақоллари, урф-одатларини чуқур ўрганди, бу минтақа географиясига оид хилма-хил маълумотларни тўплади. Адиб кўп асарларини Маккадаги даврида яратади. Ўз ҳаётида чуқур из қолдирган Маккада Замахшарий беш йилча яшайди. Шу боисдан у Жоруллоҳ («Аллоҳнинг қўшниси») деган шарафга муяссар бўлади.

**– Агар хоразмлик аз-Замахшарий бўлмаганида биз тилимизнинг қонун-қоидаларини тўлиқ билолмаган бўлардик.**

Арабларнинг аз-Замахшарийга эътирофи.



Ўз даврининг йирик олими даражасига кўтарилган Замахшарийнинг Хоразмда ҳам, Шарқнинг бошқа шаҳарларида ҳам кўпдан-кўп шогирдлари бўлган, аллома кўп вақтини уларга бағишларди. У қариндош-уруғларининг қистовларига қарамасдан уйланмаган. Илмий асарлар яратиш ва муносиб шогирдлар тайёрлашни фарзанд ўстиришдан аъло деб ҳисоблаган. Замахшарий охирги марта Маккадан қайтиб Хоразмда бир неча йил яшайди ва 1144 йил 14 апрелда вафот этади.

1333 йили Хоразмда саёҳатда бўлган машҳур араб сайёҳи ибн Баттута (1304–1377) «Ар-риҳла» («Саёҳатнома») асарида Замахшарийнинг устида қуббаси бўлган мақбарасини кўрганини ёзади.

Буюк мутафаккир Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, география, тафсир, ҳадис ва фиқҳга оид элликдан ортиқ асар яратган, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган.

Араб тилшунослиги ва грамматикасининг турли жиҳатларига оид асарлар Замахшарий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, араб тили грамматикасига оид «Ал-муфассал» (1121 йил) номли асарини у Маккада яшаган пайтида, бир ярим йил давомида ёзган.

Замахшарийнинг хоразмшоҳ Алоуддин Абулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзган «Муқаддамат ул-адаб» асари алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, хоразмшоҳлар даврида илм-фан, маданият анча тараққий қилган эди. Ҳукмдорлар, айниқса, хоразмшоҳ Отсиз олимлар, шоиру адибларга ҳурмат билан қарар, ўзи ҳам истеъдодли, маърифатпарвар, адабиётга қизиққан, билимдон одам эди. Унинг даврида илм-фан тараққиёти йўлида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилган. Шу сабабдан бўлса керак, Замахшарий «Муқаддамат ул-адаб»ни унинг номига бағишлаб ёзган. Асар беш катта қисмга бўлинган бўлиб, отлар, феъллар, боғловчилар, от ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритади. Асар 1137 йилда ёзиб тугалланган.

Замахшарий ўз асарида ўша давр араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамрашга интилган, уларнинг этимологиясига катта эътибор қаратган. Шу боисдан ҳам Замахшарийнинг бу йирик асарини мазкур йўналишдаги дастлабки асарлардан дейишга ҳақлимиз.

Замахшарий Макка амири, олим ва адиб Абул Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос ас-Сулаймон билан дўст эди. Ибн Ваҳҳос ўз мамлакатининг географияси билан жуда яхши таниш бўлган. Замахшарий ибн Ваҳҳос маълумотларига таяниб, ўзининг Ҳижозга қилган сафаридан олган шахсий кузатишлари асосида ёзган «Китоб ул-жибол вал-амкина вал-миёҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») номли асарида жуғрофий жойлар, тоғлар ва денгизларга доир қимматли маълумотларни келтиради.

Замахшарий адабиёт, тафсир, ҳадис, фиқҳ илмлари бўйича ҳам мукаммал асарлар яратган.

Замахшарийнинг чуқур билими, даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ўзи ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга катта шуҳрат келтирган. Алломани чуқур ҳурмат билан «Устоз ул-араб вал-ажам» («Араблар ва ажамлар устози»), «Фахру Хваразм» («Хоразм фахри») каби шарафли номлар билан аташган. Машҳур олимлар, шоирлар, адиблар даврасида пешволардан бири бўлиб, қизғин илмий баҳслар, мунозараларда унинг фикри доимо инобатга олинарди.

**«100 Марказий Осиё мутафаккирлари» ўқув қўлланмасидан олинди.**

## *Маҳмуд Замахшарий ҳикматлари*

Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, аммо тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан.

* * *

Бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек, аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди.

* * *

Кимки ўз нафси-балосию орзу-ҳаваси домига тушиб қолса, у бешак ўзини ўзи чуқур қаърига ташлагани муқаррар.

* * *

Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчидир.

* * *

Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлур.

* * *

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг қадам босиши арслон юришидан ҳам маҳобатлироқ ва ҳайбатлироқдир.

* * *

Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориғ бўлмас.

* * *

Виждонли киши хавфдан холи яшаса, хиёнат қилувчи киши беҳаловат яшайди.

ЗДОРОВЬЕ

# КАК ПРАВИЛЬНО УХАЖИВАТЬ ЗА БАРАБАННОЙ ПЕРЕПОНКОЙ?



Тонкая и непроницаемая мембрана, которая требуется для нормального функционирования уха и обеспечивает слух человека, – это барабанная перепонка. Большинство людей знает про нее лишь то, что она находится недалеко от входа в ухо и на ней скапливается сера, которая со временем ухудшает качество слуха. При этом перепонка крайне важна для нормального функционирования всей системы уха в целом, а травмировать ее очень легко. По статистике, 40% травм происходит при попытках очистить ее от серы ватной палочкой. Однако не только такая мера может повредить ее, есть и более безобидные, на первый взгляд, действия, которые способны безвозвратно испортить слух человека. Ниже мы расскажем вам о том, как не надо экспериментировать со своей барабанной перепонкой

## Опасные растворы

Люди любят засовывать в уши все что угодно. А уж закапать различные капли – это святое. Растворы продаются в аптеках без рецептов. При этом риски никто не оценивает. Так, например, одни закапывают себе в уши спирт в чистом виде, другие – настойки трав. Есть те, кто пытается почистить перепонку листьями герани, также используют зубчики чеснока или лука. И все в надежде на то, что ухо выздоровеет, а барабанной перепонке станет легче.




Барабанная перепонка – такой инструмент, который может самопроизвольно разрываться. Например, если за ней накапливается гной, следует обеспечить отток гнойного содержимого. Перепонка сама регулирует этот процесс и при необходимости разрывается, если до этого не было никакого вмешательства извне. Кроме того, необходимо учитывать, что перепонка – тонкий инструмент с точки зрения передачи звуковой волны и регуляции давления в среднем ухе, поэтому ее надо беречь.

Некоторые люди легкомысленно относятся к ней. Например, если мы поранили или травмировали кожу, то пытаемся смазать место травмы, в надежде, что все заживет. Так же пытаются обойтись и с перепонкой. Но это не работает. Все зависит от иммунитета человека, от регенеративной способности организма. Например, у кого-то регенерация более выражена, и перепонка может затянуться быстро, а у кого-то она не затянется никогда. Именно поэтому чистить ухо надо крайне аккуратно, ни в коем случае не доводить до травмирования перепонки, чтобы случайно не перфорировать ее (не сделать в ней дырку).

## Капли для уха

Существует три вида капель: на водной основе, на спиртовой основе, антибактериальные



препараты. Когда человек понимает, что ему становится некомфортно, появляется боль в ушах, он, естественно, хочет себе что-нибудь закапать. Но при этом к врачу идти некогда, лень, страшно. И он отправляется в аптеку. Такой подход в корне неправильный. Ухо тесно связано с головным мозгом. И если в нем развивается воспалительный процесс, то он буквально в течение 2-3 дней перекидывается на оболочки мозга и становится причиной отогенного менингита. Механизм прост: в среднем ухе накапливается гной, затем он переходит во внутреннее ухо, а оттуда сразу в мозг. Поэтому стоит избегать подобных ситуаций.

Капать что-то просто так – не выход. Если заливать при воспалении и истончении барабанной перепонки капли на спиртовой основе, борный спирт, камфору и т. д., барабанная перепонка такого не выдержит и разорвется. На ней легко образуются рубцы, и перепонка может до конца не затянуться. А это значит, что у человека начнется искажение звука. Не стоит воздействовать на перепонку и с помощью ватки, вымоченной в спирте, еще и подогретом. Это вызовет отек, перфорацию, незарастание перепонки, вследствие чего возможно попадание разного рода инфекций. Человек с такой травмой перепонки в дальнейшем уже не сможет нормально плавать в бассейне или море.

## Процессы очистки



Попытка почистить ухо ватной палочкой приводит к тому, что сера проталкивается глубоко, прессуется и просто прилипает к перепонке, в результате начинает болеть ухо. Удалить спрессованную серу крайне сложно.

Чистить уши и барабанную перепонку надо правильно. Перед началом процедуры серу надо сделать более жидкой – для этого в аптеке продаются специальные средства. Как вариант, можно использовать перекись водорода. Также можно использовать кашицу соды – порошок довести до кашицеобразного состояния, смочить ватный тампончик и вставить в ухо на полчаса. Когда сера размягчится, сама вытечет из уха во время мытья головы.

Лучше всего регулярно чистить слуховые проходы на приеме у врача. Врач определит, есть ли какие-то проблемы с перепонкой и вообще со слухом.

# В какой позе лучше всего спать?

**Во сне наш организм отдыхает и восстанавливается. Здоровый полноценный ночной сон – залог хорошего самочувствия, бодрости и энергии. Но бывает, что вы наутро встаете разбитым и усталым. Виной тому может быть неудобная поза во время сна**



***Как положение тела влияет на сон и здоровье***

Неправильное положение может спровоцировать различные заболевания и патологии. Мышцы шеи и позвоночника находятся в неестественном состоянии, наутро у человека болит спина, не поворачивается шея. Если такое происходит постоянно, то развиваются патологические процессы в позвоночнике.

Во время сна мозг очищается от токсинов, и наиболее эффективно это происходит в позе на боку. Если же токсины выводятся плохо, то возникает риск развития неврологических патологий, в частности болезни Альцгеймера.

Если постоянно спать на животе, то сдавливаются мышцы и суставы. Со временем в позвонках возникают изменения, развивается остеохондроз. Если при этом спящий поворачивает голову набок, то у него пережимается позвоночная артерия, уменьшается приток крови к головному мозгу – появляются головные боли.

***…на боку***

Это положение, плюс хорошие матрац и подушка, обеспечат самый здоровый сон. Позвоночник и шея находятся в естественном состоянии, а мышцы получают возможность расслабиться и отдохнуть. Эта поза рекомендуется тем, кто храпит и страдает апноэ.

**Недостаток** – преждевременные морщины, возможные боли в спине, плече, если позвоночник и шея находятся в противоестественном положении.

***…на спине***

Подходит не всем. Благоприятна для позвоночника, так как сохраняет естественные изгибы. Рекомендуется для людей с искривлением позвоночника, остеохондрозом и другими патологиями.

**Недостаток** – тяжелее работать сердцу, в легкие поступает меньше воздуха, затрудняется дыхание, возникает храп. Противопоказана людям, страдающим апноэ, не рекомендуется беременным.

***…на животе***

В этом положении легче дышится, не возникает храпа и хорошо происходит процесс пищеварения.

**Недостаток** – опасна возникновением патологических изменений позвонков, развитием остеохондроза, появлением болей в спине.

***Самая правильная поза сна***

Позы на боку и на спине достаточно физиологичны и обеспечивают полноценный сон. Однако следует учитывать особенности состояния, имеющиеся заболевания, поэтому лучшая поза для сна – у каждого своя.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

**Подготовлено по материалам интернета.**



# Детская страничка

## 1. ПРОГУЛКА К ОЗЕРУ

Саша направляется к лесному озеру. Ему навстречу идет учительница, за ней – 25 первоклассников. Учительница взяла на помощь практикантку, а та – своего песика. В прогулке участвуют еще и родители некоторых детей: один папа и пять мам. Сколько же ног идет по дороге к лесному озеру?



## 2. ДВА ЛИЦА

Мальчик и девочка играли на грязном темном чердаке. Когда они вышли на улицу, то у девочки все лицо было серое от пыли, а у мальчика – осталось чистым. Но именно мальчик пошел умываться. Почему?





## 3. ВЕРБЛЮДЫ

Старый шейх позвал двух своих сыновей и сказал, что в оазисе поблизости спрятано невероятное сокровище. Сыновья должны были отправиться на поиски сокровища, но, по завещанию отца, получить его должен был тот, чей верблюд доберется до оазиса вторым. Но как это сделать? Ведь если каждый будет стараться отстать от другого, то братья никогда не доедут до оазиса. Поэтому мужчины решили обратиться за советом к верховному судье – кадию. Тот наказал им сойти с верблюдов, а потом прошептал что-то на ухо каждому, по очереди. После этого сыновья шейха сели на верблюдов и стремглав помчались к оазису.

Что посоветовал братьям кадий?

Ответы: 1. По дороге к лесному озеру идут только две ноги: это ноги Саши. Все остальные идут навстречу мальчику – значит, возвращаются с озера. 2. Мальчик посмотрел на грязное лицо девочки и подумал, что тоже испачкался. А девочка, наоборот, взглянула на мальчика и, увидев, что его лицо чистое, была уверена, что и с ней все в порядке. 3. Сокровище получит тот, чей верблюд придет вторым. Кадий посоветовал братьям поменяться верблюдами.

## Отгадай загадки и найди к ним картинки - отгадки.

Бьют его, а он не плачет.
Только выше, выше скачет.



Твой хвостик
Я в руке держал,
Ты полетел -
Я побежал.



Ростом разные подружки,
Но похожи друг на дружку.
Все они сидят друг в дружке,
А всего одна игрушка.





Ускользает, как живое,
Но не выпущу его я.
Белой пеной пенится,
Руки мыть не ленится.



Перед волком не дрожал,
От медведя убежал.
А лисице на зубок
Все ж попался ...

Кто на свете ходит
В каменной рубахе?
В каменной рубахе
Ходят ...



## Реши примеры и раскрась зонтик




Красный: 10 – 5 = ☐
Жёлтый: 3 + 4 = ☐
Синий: 8 – 6 = ☐
Оранжевый: 5 + 3 = ☐
Коричневый: 10 – 6 = ☐



## ОТКУДА ПОЯВИЛИСЬ ПОМПОНЫ НА ШАПКАХ?

Помпоны украшают наши зимние шапочки! Появились эти пушистые шарики еще в XVIII веке – на флоте. Моряки подкладывали сшитые кусочки ткани на головные уборы, чтобы не биться головой о низкие потолки трюмов.

**Лабиринт**

Пройдите по полю, не потревожив пустынных кроликов.



МУЛОҲАЗА

# Куласизми, куясизми?

Эрталаб эзгу ниятлар билан кўчага чиқарканcиз, турфа одамларни учратасиз, йўлларни тўлдириб ўтаётган транспорт воситаларига кўзингиз тушади. Одамларнинг самимий ва хушмуомалалигини кўриб қувонсангиз, айрим ҳайдовчиларнинг автомашиналарига ёпиштириб олган миллий маданиятимизга хос бўлмаган ёзув ва белгиларни кўриб таъбингиз хира тортади. Ҳатто йўл ҳаракати қоидаларининг тегишли бандига биноан, бундай хатти-ҳаракатни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик белгиланганига қарамасдан, айрим фуқароларимиз томонидан ҳамон қоидабузарлик содир этилмоқда.

Яқинда ана шундай ҳолатларнинг бир нечтасига гувоҳ бўлиб, қуйида уларнинг тафсилоти билан таништиришни жоиз деб топдик. Зора, бу саъй-ҳаракатларимиз ўзининг ижобий самарасини бериб, бошқа ҳайдовчилар тўғри хулоса чиқарса.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида ҳаракатланиб келаётган «Нексия» русумли автомашинанинг орқа томонидаги «Я хулиган» деган ёзувни кўриб, кулишни ҳам, куйишни ҳам билмай қолдик. Чунки бу жумла ўзбекчада «Мен безориман» деган маънони билдиради. Наҳотки, автомашина эгаси ўзининг мана шундай «истеъдод» соҳиби эканлигини барчага намоён этишни хоҳлаётган бўлса... Унинг нима мақсадда бундай қилгани бизга қоронғи. Лекин мазкур жараёнга гувоҳ бўлган ҳар қандай киши ушбу машина эгасининг маънавий қиёфаси қай даражада эканлигини англаб етиши қийин эмас.




Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги марказий кўчаларнинг бирида ҳаракатланаётган «Нексия»нинг орқа томонига битилган «Как хочу, так еду», яъни «Қандай хоҳласам, шундай юраман» деган иддаони кўрган кишининг бир нима дейиши мушкул. Фаҳмимизча, мазкур автомашина эгаси учун ҳайдовчилар амал қилиши керак бўлган йўл қоидаларининг мутлақо аҳамияти бўлмаса керак...

Бундан ҳам ачинарлиси, Сирғали тумани ҳудудидаги катта кўчада ҳаракатланиб кетаётган «Матиз» русумли автоуловни кўриб чуқур ўйга толдик. Сабаби мазкур машинанинг орқа эшиги ёнига наркотик модда ҳисобланган «наша» ўсимлиги япроғининг сурати ёпиштирилган эди. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Автомобиль эгаси одамларни гиёҳвандликка чорлаяптими? Ёки бошқа мақсади бормикан? Қандай тушунишни ҳам билмайсан, киши... Нима бўлганда ҳам, соғлом фикрли инсон ҳеч қачон бу каби маънавиятимизга мутлақо зид хатти-ҳаракатни содир этишни ўзига эп кўрмайди. Ахир, биз дунё тамаддунининг тамал тошини қўйган буюк аждодларнинг авлодларимиз. Бошқа халқлар ҳавас билан қарайдиган юртнинг фарзандларига бу каби номақбул ишларни қилиш ярашармикан?! Агар ватандошларимиз бундай маданиятсизликка қўл урса, бошқалардан нимани кутиш мумкин. Ундан кўра, ана шу инсонлар ёшларнинг қизиқиши янада ортишига хизмат қиладиган китобларни тарғиб қилиб, уларнинг баркамол авлод бўлиб етишига ўз ҳиссасини қўшгани мақбул эмасми?!

Нафсиламрини айтганда, бизнинг саъй-ҳаракатларимизга қараб, ўз келажагини қураётган ёшларимизга муносиб намуна бўлайлик! Улар биздан-да кучли, билимли, ақлли ва, албатта, бахтли бўлишига хизмат қилайлик.

**Михли САФАРОВ,**
*«Postda» мухбири.*

# «Шанба»ми, «шестница»ми?

## ёхуд ўзбек тили ростдан ҳам гўзал ва бой тил



*Мелис Абзаловнинг «Армон» фильмида машҳур бир ибора бор: «Рус тили бағоят бой тил, «шестница» деса ҳам бўлади, «суббота» деса ҳам бўлади, ёзовур, Соатқулов». Ажойиб фильм. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас. Гап ўзбек тилининг ҳам «бағоят бой тил» эканлиги тўғрисида боради. Келинг, биз жуда кўп ишлатадиган, аммо ҳақиқий маъносига кўпда эътибор беравермайдиган айрим сўзларни эсга олайлик.*

**«Қуралай».** «Қуралай кўз, қуралай, туйнугингдан мўралай...» Эсладингиз-а? Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» мусиқали драмаси асосида саҳналаштирилган спектаклда янграган бу қўшиқ. Қуралай – бу кийик ёки оҳунинг боласи.

**«Қуюшқон».** Отни эгарлаётганда думининг тагидан ўтказиладиган махсус арқон шундай деб аталади. Агар дум қуюшқондан чиқиб кетса, эгар отнинг бўйнига сурилиб кетади.

**«Хала».** Эшакнинг елкасидаги қора чизиқ. Ўша халага тегинилса, эшакнинг қитиғи келиб, зипиллаб югуришга тушади. Қитиқни келтириш учун ишлатиладиган чўп эса «халачўп» дейилади.

**«Хумпар».** Ота-боболаримиз бир оз жаҳллари чиқса, кичикларни шунақа деб «сўкиб» қолишади. Аслида «хумпар» – мушукнинг боласи.




**«Туллак».** Ўзгарувчан, айёр одамларга нисбатан шундай дейилади. «Тулки» сўзидан олинган деб ўйлашингиз мумкин. Лекин бу нотўғри. Маълум бир ёшга етгандан сўнг айрим паррандаю ҳайвонларнинг жуни (пати) тўкилади (туллайди). Шунинг учун «туллак» дейилади.

**«Бир пас».** «Кечагина кичкинагина бола эдинг, бир пасда катта йигит бўлиб кетибсан...» Узоқ кўришмаганлар бу гапни кўп гапиришади. Аслида «бир пас» туннинг саккиздан бир қисми, тахминан, бир соатга тенг экан.

**«Пихини ёрган».** Товуқ боласи – жўжанинг панжалари тепасида ортиқча панжа – пих бўлади. Агар жўжа қичқирса ва пихи ёриб чиққан бўлса, у хўрозга айланган бўлади.

*Ҳиндларнинг «Вақт» фильмида икки дўст – икки қуда фақат тортишади. Улардан бири доимо шундай жавоб қиларкан: «Сеники нима бўлибди, мана менда...» Реклама ўрнида шуни айтмоқчиманки, юқоридаги ёзганларимиз «нима бўлибди», сиз, яхшиси, Эркин Воҳидовнинг «Сўз латофати» китобини топиб, албатта ўқинг, хазина топгандек бўласиз. Ҳайратланиш баробарида ўзбек тилининг қудрати, салобати ва гўзаллигидан фахрланиб кетасиз!*

**Эркин САТТОРОВ,**
**«На посту» масъул котиби.**

## ҲОШИЯДАН ТАШҚАРИДА

Йигит ўғрилик билан қамалди. Буни эшитган биринчи ўқитувчиси маҳкумни кўргани келди.

– Нега ундай қилдинг?..

– Билмадим... – кўзини ерга тикди йигит. – Мактаб даври эсингиздами? Дафтар ҳошиясидан ёзувим четга чиқиб кетса, «бўлиб туради», дердингиз. Ўшанда қўлимга бир урмаган экансиз. Шунда қонун доирасидан чиқмаган ва бу ерда ўтирмаган бўлармидим?..

## ВАТАН ВА СЕВГИ



Улар интернетда танишишди. Уч йиллик ёзишмалардан сўнг бир-бирисиз туролмасликларини тушунишди. Аммо бир «лекин»и бор эди. Йигит бошқа миллат, қиз ўзга эллик эди.

– Мен ватанимни, уйимни ташлаб кетолмайман, – деди қиз. – Бирга бўлишимизни истасангиз, ўзингиз келинг! Шу ерда, менинг диёримда бир умр бахтли-саодатли яшаймиз...

Йигит кўп ўйланмади: дарров рози бўлди. Кўп ўтмай, қизнинг қаршисида пайдо бўлди.

– Сизга турмушга чиқолмайман, – деди қиз пойига тиз чўккан йигитга қараб. – Ватанидан, оиласидан бир зумда кечган инсон мендан қанча вақтда кечиб кетаркин? Ортингизга қайтинг, сизни оқ ювиб, оқ тараган тупроғингиздан айрилманг.

## ОМИЛИК

У китобни турфа кўйга солди.

Тандирга тутантириқ қилди. Писта сотаётганда варақларини йиртди.

Асабига тегаётган пашшаларга қарата қурол қилди. Ўғилларига «самолёт» ясаб берди. Эшикка тиркагич қилди. Дераза ойналарини артди. Ҳатто ҳожатхонада ҳам фойдаланди...

Аммо бирор марта ўқиб кўрмади.

Йиллар ўтиб, нурсиз қалбига недир етишмай қолди... Китобни қўлига олди. Ўқий деса, кўзлари аллақачон нурдан қолган, қўллари эса тинимсиз қалтирарди...

**Нодирабегим ИБРОҲИМОВА.**

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

# ЮТУҚЛАР ҲАМ, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР ҲАМ КЎП

**ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7801-ҳарбий қисмда ўтказилган «Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати» шиори остида ўтган маданий-маърифий тадбирда ҳарбий қисм раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби, фахрийлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Яшнобод тумани кенгаши, 30 ва 226-мактабларнинг ўқувчилари, хонандалар, сўз усталари ва бошқа меҳмонлар қатнашди.**

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳарбий қисм зиммасига муҳандис-техник қўриқлаш воситаларини таъмирлаш, жазони ижро этиш муассасаларида ўрнатилган қўриқлаш воситаларига техник хизмат кўрсатиш каби вазифалар юклатилган. Шунингдек, мазкур ҳарбий қисм мутахассислари Қоровул қўшинлари тизимларига янги турдаги техник қўриқлаш воситаларини жорий этади.

Ҳарбий қисмда хизмат бурчини сидқидилдан бажараётган Ватан ҳимоячилари орасида юксак натижаларга эришиб, давлатимизнинг ҳамда вазирлик раҳбариятининг юксак мукофотлари билан тақдирланганлари ҳам талайгина.

Қолаверса, спортнинг турли йўналишларида нуфузли мусобақаларда қатнашган, совринли ўринларни қўлга киритган ҳарбий хизматчилар соҳадаги ёшларга доимо ўрнак бўлиб келишяпти. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган, ҳарбийликнинг сир-асрорларини, хусусан, ҳарбий қисм фаолиятидан келиб чиқадиган вазифаларни пухта ўзлаштирган майор Дилшод Ачилов, катта сержантлар Фарҳод Жўрақулов, Фахриддин Қобилов хизматни яқинда бошлаган умидли ёшларга устозлик қилишяпти.

Шунингдек, ўтган йили Тошкент ҳарбий округининг «Чирчиқ» полигонида «Ҳеч бир ижобий ғоя эътибордан четда қолмайди» шиори остида ўтказилган «TECHNO DISCOVERY — 2019» фестивалида «Қўрғон» замонавий техник қўриқлаш воситаси ҳамда «Нишон 5/15» компьютерлаштирилган дала ўқ отиш мажмуаси билан иштирок этган ва фаол иштироки учун диплом билан тақдирланган ҳарбий қисм катта техниги, катта сержант Исроил Шайназаров ҳам яна янги ихтиролар устида иш олиб боряпти.

Ҳарбий қисмда бу каби ютуқлар, юксак натижалар кўп. Муҳими она Ватан ҳимоячилари фидойилик билан хизмат қилишяпти.



Ҳарбий қисм командири вазифасини бажарувчи, майор Жасур Раҳматов ўз табрик сўзида шу каби ютуқларни эътироф этиб ўтди. Шундан сўнг фахрийлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқа меҳмонлар сўзга чиқиб, ўзларининг самимий тилакларини изҳор этишди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Яшнобод туман кенгаши раиси Фарруҳ Маҳмудхўжаев Ватан ҳимоячиларини байрам билан қутлаб, ҳарбий қисм кутубхонаси учун китоблар совға қилди. Шунингдек, Ёшлар иттифоқи томонидан ташкил қилинган тадбирларда фаол иштирок этган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга ташаккурномалар топширилди.

Мактаб ўқувчилари томонидан айтилган она Ватанни, мардлик ва фидойиликни улуғловчи шеърлар барчага манзур бўлди. Сўз усталарининг ичакузди ҳангомалари, хонандаларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари иштирокчиларга байрамона кайфият улашди.

— Ҳарбийларга доимо ҳавасим келган, — дейди Яшнобод туманидаги 30- сонли умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Ширин Шарипова. — Бугунги тадбирда иштирок этишим, айниқса, ҳарбийлар орасида қизларни ҳам кўрганим қалбимдаги ҳавасни кучли истакка айлантирди. Улар билан суҳбатлашиб, яратилган шароитларни кўриб, келажакда, албатта, ҳарбий бўламан, деган мақсадни ўз олдимга қўйдим.

Бўлиб ўтган тадбир нафақат ҳарбий хизматчиларга байрамона туҳфа, балки бир қанча ўқувчилар қалбида ватанпарварлик, жасорат туйғуларининг жўш уришига ҳам омил бўлди. Зеро, болаликдан она Ватанга чексиз муҳаббат билан улғайган инсон келажакда ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишади.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda»мухбири.**

ОДАМ САВДОСИ – ОҒИР ЖИНОЯТ

# НЕВАРАСИНИ ПУЛЛАМОҚЧИ БЎЛГАН БУВИ

**Салима (исм-шарифлар ўзгартирилди) тўсатдан ўзгариб қолди. Қизининг соғлиғидан хавотирга тушган Карима опа дарҳол уни шифохонага олиб борди. Қизни тиббий кўрикдан ўтказган шифокорлар унинг ҳомиладор эканлигини айтишди. Бу хабардан саросимага тушган Карима опа аввалига ишонмади. Қизини сиқувга олгач, тўрт-беш ой аввал бир қурувчи йигит билан танишганини, турмуш қуришга аҳд-паймон қилишганини айтди.**



Она-бола қурилиш бригадасида ишлаётган Муроднинг ёнига борди. У Салима билан бир неча бор учрашганини, аммо яқинлик қилмаганини айтди. Хуллас, Мурод билан муросага келолмаган Карима опа қизининг ҳомиласини олдириб ташлаш йўлини излай бошлади. Аммо шифокорлар бунинг асло иложи йўқлигини, ҳомила олиб ташланса, қизининг саломатлигига салбий таъсир этишини ётиғи билан тушунтиришди. Шундан сўнг Карима опа қизининг қорнидаги зурриёдини фарзандга зор бўлган бирор кишига сотишга қарор қилди ва маҳалладоши Қурбонбикага кўнглини ёзди.

– Боланинг отаси ким? – ҳайрон бўлганича сўради Қурбонбика.

– Қурувчи йигит экан, тан олмаяпти. У ёқ, бу ёққа мурожаат қилайлик, десам, қизим кўнмаяпти.

– Бу гапдан турмуш ўртоғингизнинг хабари борми?

– Йўқ, агар хабар топса, иккаламизни ҳам уйдан ҳайдаб юборади. Аммо қачонгача сир сақлаб юрамиз, билмайман.

– Менимча, эрингизга бор гапни айтишингиз керак. Акс ҳолда...

– Мавридини топиб ётиғи билан тушунтираман. Шунгача тирноққа зор бирор кишини топиб, болани ими-жимида унга беришга тайёр туришимиз керак. Шунга ёрдам беринг, илтимос.

– Қўшни маҳаллада яшайдиган бир аёл жияни бола асраб олмоқчи эканлигини айтганди, – деди Қурбонбика дугонасининг аҳволига ачинганча. – Майли, ўша аёл билан гаплашиб кўраман.

Карима опа ўзини бироз хотиржам сезди.

Орадан икки кун ўтгач, Қурбонбика уни Замира исмли аёл билан таништириб қўйди.

– Жияним оила қурганига тўққиз йилдан ошди, – дея гап бошлади Замира. – Фарзандли бўлолмаяпти. Бормаган шифохонаси, кўринмаган дўхтири қолмади. Агар маъқул топсангиз, неварангизни жиянимга фарзандликка беринг.

– Оилавий аҳволимиз унчалик яхши эмас. Қолаверса, қизимни туғруқ давригача даволатишим ҳам керак.

– Бу ёғини Руслан билан келишиб оласизлар, – деди Замира аёлнинг мақсадини англаб. – Эртага у сиз билан учрашади.

Хуллас, Руслан ва унинг турмуш ўртоғи Салиманинг ҳолидан тез-тез хабар олиб, дори-дармонлар учун пул бериб туришди. Шундай кунларнинг бирида Карима опа анчадан буён кўнглига тугиб қўйган мақсадини Русланга айтишга қарор қилди ва ҳали туғилмаган невараси учун 3000 АҚШ доллари сўради. Бу гапни эшитган Руслан нафси ўпқонга айланган аёлдан нафратланиб кетди. Вақт ўтса, инсофга келиб қолар, деган ниятда унинг шартига рози бўлди.

Хотинидан қизининг ҳомиладор бўлганини эшитган Олим аканинг ғазаби қайнади. Иккаласини ҳам роса койиди, қизининг тарбиясига эътиборсиз бўлгани учун хотинини айблади. Хуллас, қизининг келажагини ўйлаган Олим ака туғилажак неварасини гўдаклар уйига топширишга аҳд қилди. Карима опа эса амалга оширмоқчи бўлган режасини сир тутиб, эрининг гапини шунчаки маъқуллаб қўя қолди.

Орадан маълум муддат ўтгач, Салиманинг кўзи ёриди. Жажжигина ўғил фарзанд дунёга келди. Карима опа дарҳол бу хушхабарни Русланга етказди.

Аёл туғуруқхонага бир зумда етиб келган Русландан чақалоқнинг ҳужжатлари ва даволаниши учун яна пул сўради. Руслан айтилган пулни берди. Орадан тўрт кун ўтгач, Карима опа унга қўнғироқ қилиб, чақалоқни туғуруқхонадан олиб чиқмоқчилигини, дарҳол ваъда қилган 3000 АҚШ долларини олиб келишини тайинлади. Бундан нафратланган Руслан охир-оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар берди.

Туғуруқхонадан чақалоқни олиб чиққан Руслан Карима опа ва унинг қизини шаҳардаги энг шинам кафелардан бирига олиб бориб, меҳмон қилди. Суҳбат орасида ўз нафсининг қулига айланган кимсага олдиндан келишилган 3000 АҚШ долларини берди. Пулни чўнтагига жойлаган бағритош Карима опа эса қизининг бағрида мириқиб ухлаётган тўрт кунлик неварасини Русланнинг қўлига тутқазди. Шу пайт кафега ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари кириб келишди ва қабиҳ ишга қўл урган аёлни қўлга олишди...

**Жалол БОБОЖОНОВ,**
**катта лейтенант.**
**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

БИР ЖИНОЯТ МУҲОКАМАСИ

# ТЎЙ ЖАНЖАЛ БИЛАН ҚИЗИЙДИМИ?

**Болалигингиздаги тўйлар қандай таассуротлар билан ёдингизда қолган? Шуни аниқ айтиш мумкинки, миллийликка йўғрилган ёқимли лаҳзалардан кўра, даврада маст бўлиб ўйнаганлар, жанжаллар кўпроқ хотирангизда гавдаланади. Негаки, кўпчилик учун тўйларнинг қандай ўтгани мезбоннинг қанча спиртли ичимлик қуйгани, топганини сочиб қанчалик ҳотамтойлик қилгани, охирида яхшигина саваш бўлгани билан ўлчанарди.**





Хўш, бугун тўйларимиз қандай ўтяпти? Афсуски, тўй деса тўйгунча спиртли ичимлик ичишни ўйлайдиган, жанжални соғиниб келадиганлар ҳозир ҳам хоҳлаганча топилади.

Яқинда Бойсун тумани Темирдарвоза маҳалласида жойлашган тўйхонада катта базм бўлди. Мезбон яхши ниятлар билан элга дастурхон ёзди. Куй-қўшиқ, хурсандчилик, ҳаммаси меъёрида кетаётганди. Кутилмаганда базмга «кўз тегди». Фуқаро Ж. Қ. маҳалладоши А. С. билан ўзаро тортишиб, жанжаллашиб қолди. Орага тушганлар уларни ажратиб қўймоқчи бўлишганди, лекин спиртли ичимлик таъсиридан шерга айланган Ж. Қ. бадтар жазавага тушди. Шу пайт у кутилмаганда, А. С.нинг кўксига қаердандир пайдо бўлган пичоқни тиқиб олди. Тўйхонадан файз кетди. Мусиқа тинди, кимдир бақирган, бошқаси чинқирган, икки томонга тарафкашлар бир-бирига ёв қараган. Хуллас, тўй бузилди.

А. С. тан жароҳати билан шифохонага ётқизилди. Унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бўлган воқеа шундан иборат. Тўғри, вақти келиб жароҳат олганнинг яраси битиб кетар, айбдор ҳам қонунда кўрсатилган жазони олар, лекин нимага бу каби ҳолатлар камайиш ўрнига, янада кўпайиб кетяпти? Нега тўю базмларда, кўча-кўйда маҳалладошлар, яқин қариндошларнинг бир-бирини уриши, пичоқлашиши одат тусига кириб бормоқда? Бундай ҳолатларнинг келиб чиқишига қандай омиллар, шарт-шароитлар сабаб бўлмоқда?

Бойсун тумани ҳокимлигида шу каби саволларга атрофлича жавоб изланди. Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник М. Маматмусаев, вилоят ИИБ ҲПБ бошлиғи, майор А. Худойбердиев, туман ҳокими ўринбосари А. Нормаматов, шунингдек, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамоат фонди вакиллари, имом-хатиблар, ёшлар, маҳалла аҳли қатнашган йиғилишда мазкур жиноятнинг сабаблари, унга имкон берган шарт-шароитлар муҳокама қилинди.

– Аксарият жиноятлар ёшлар томонидан содир этилаётгани учун улар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, бу турдаги жиноятлар муҳокамаларида кўпроқ шу гуруҳдаги кишилар иштирокини кўпайтиришимиз зарур, – деди подполковник М. Маматмусаев. – Жиноят муҳокамалари жараёнини айбланувчининг қариндошлари иштирокини таъминлаган ҳолда, оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш, бунда интерактив усуллар (тақдимот, фото ва видеолавҳалар)дан унумли фойдаланиш, ички ишлар органлари ҳисобида турган шахслар томонидан келгусида такроран жиноят содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори ижроси жойларда қандай амалга оширилаётгани ҳам диққат марказида бўлди.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

**PS: Мақолани тайёрлаш арафасида Юртбошимизнинг «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига кўра, Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари, подполковник Мирзоқул Маматмусаев «Мардлик» ордени билан мукофотлангани ҳақидаги хушхабардан воқиф бўлдик. Уни Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлгани билан муборакбод этамиз.**

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

# ЎЗ БУРЧИГА СОДИҚ ҚОЛДИ



**Республикамизда коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз ички ишлар органлари ва унинг ҳарбий тузилмаларида ҳам бу борада эътиборга молик ишлар қилиняпти.**

ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли Қарши шаҳридаги ҳарбий қисм атрофида бир фуқаро худди нарсасини йўқотгандай уч-тўрт кун айланиб юради. Нотаниш фуқаронинг хатти-ҳаракатини кузатган шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, оддий аскар Анваржон Назарқулов шубҳали шахсни суҳбатга тортади.

Суҳбат асносида фуқаро шу ердаги жазони ижро этиш муассасасида жазо муддатини ўтаётган таниши билан учрашиш ниятида эканлигини билдиради. Гап орасида ҳарбий хизматчига агар ёрдам берса, бу «хизмати» учун мўмайгина пул беришини ҳам қистириб ўтади.

Ҳарбий хизматчи Анваржон Назарқулов шубҳали шахснинг ниятини билгач, кутиб турса, вазиятни ўрганиб чиқиб, жавобини айтишни маълум қилади. Сўнг бу ҳақда раҳбариятга билдирги билан мурожаат этади.

Ҳолат юзасидан ваколатли идораларга хабар берилиб, махсус тадбир ўтказилди. Натижада фуқаро Х. Х. оддий аскар А. Назарқуловга 50 минг сўмни пора сифатида берган пайтда ашёвий далил билан қўлга олинди.

Айни вақтда ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Шерали ТЎРАЕВ,**
**сержант.**
*Қашқадарё вилояти.*

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси Махсус тайёргарлик ўқув маркази раҳбарияти ва шахсий таркиби марказнинг махсус-жисмоний ва психологик тайёргарлик цикли катта йўриқчи-ўқитувчиси, подполковник Абдимўмин Болиевга падари бузруквори

**ЎРИНБОЙ ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси Махсус тайёргарлик ўқув маркази раҳбарияти ва шахсий таркиби марказнинг Ветеринария таъминлаш бўлими ветеринар-фельдшери, сафдор Аброр Адиловга падари бузруквори

**БАҲОДИР ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Марғилон шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник Бахтиёр Нажмитдиновга акаси

**Рустамжон НАЖМИТДИНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ВСТРЕЧА

# ПОЗНАВАТЕЛЬНЫЙ И УВЛЕКАТЕЛЬНЫЙ ДИАЛОГ



**В канун 14 января – Дня защитников Родины сотрудники Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД столицы побывали в Ташкентском государственном институте востоковедения и побеседовали со студенческой молодежью. Встреча с представителями туристической полиции оставила массу впечатлений у юношей и девушек, а многие всерьез заинтересовались профессией стража правопорядка. Во встрече также принял участие профессорско-преподавательский состав кафедры тюркских языков факультета восточной филологии**

Открыл мероприятие вступительным словом доцент кафедры тюркских языков Адхамбек Алимбеков. Он отметил, что в последнее время иностранные туристы все чаще посещают нашу страну. Если в 2018 году в Узбекистане побывало более 5,3 млн гостей, то в 2019-м их число превысило 6,7 млн. Для многих Ташкент является транзитной зоной, так как чаще всего в путешествие по Узбекистану туристы отправляются именно отсюда. Он отметил, что с ростом количества гостей страны появилась потребность в туристической полиции, которая отвечает за их безопасность, оказывает им практическую помощь. По этой причине имеется большой спрос на молодые кадры, владеющие несколькими иностранными языками.

Выступивший перед студентами главный инспектор отдела координации Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД г. Ташкента капитан Умиджон Мавлонов рассказал студентам о деятельности управления, созданного в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по эффективному внедрению системы обеспечения общественной безопасности на объектах транспорта и туризма» от 6 марта 2019 года, его целях, структуре и основных задачах.

Встреча прошла в форме открытого диалога. Юноши и девушки живо интересовались деятельностью данного подразделения, о чем свидетельствовало множество заданных ими вопросов. Многих студентов интересовало то, какие требования предъявляются к кандидатам на должность сотрудника туристической полиции.

В ходе встречи преподаватели кафедры тюркских языков поздравили гостей – сотрудников Управления по обеспечению безопасного туризма с Днем защитников Родины и подарили им сборник пословиц на турецком языке. В свою очередь, представители туристической полиции раздали флаеры и брошюры, в которых указаны достопримечательности нашей столицы и реквизиты управления.

**Д. ИСХАКОВ.**



# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

## (с 20 по 26 января)



**Овен.** Сложная в материальном плане неделя, требующая больших усилий и энергичных действий, но не все зависит от вас. Вам придется чаще считать чужие деньги, чем свои. Для тех, кто работает в банке, магазине, бухгалтерии, это вполне нормально, остальным же придется рассчитывать на средства супругов, кредиты.



**Телец.** Подходящее время для налаживания партнерских связей в бизнесе и другой деятельности. Продуктивной может быть групповая или парная работа. В выгодном положении окажутся консультанты любого рода. Рвать партнерские связи невыгодно. Можно потерпеть финансовые неудачи в судебных процессах.



**Близнецы.** Неплохое время для построения карьеры, смены деятельности, повышения профессионального мастерства. В начале недели доходы будут зависеть от вашего трудолюбия и профессионализма, качества выполняемой работы. Вторая половина хороша для переговоров, поиска полезных связей.



**Рак.** Творческая неделя, не располагает к выполнению рутинного труда, даже за большие деньги. Особенно трудно будет в начале недели, когда деньги просто не пойдут к тем, кто не любит свою работу. Придется или полюбить ее, внеся элемент творчества, или найти дело по душе. Если возможно – сделать перерыв, уйти в отпуск.



**Лев.** Очень энергичная, напряженная неделя. Вы будете тратить много сил, но они будут легко восстанавливаться. Однако не стоит злоупотреблять этим, резервы организма не безграничны. Вредные привычки могут негативно отразиться на вашей выносливости.



**Дева.** Рекомендуется чаще бывать на публике, посещать развлекательные мероприятия. Хотите провести время с максимальной пользой – запишитесь на обучающие курсы. Свободные представители знака могут завязать романтические отношения. Родителям следует внимательно наблюдать за детьми, особенно в начале недели.



**Весы.** Придется основательно потрудиться. Если не уйдете в отпуск, то будет много работы и хлопот. Хаос и суета могут привести к нервному напряжению. Старайтесь решать проблемы спокойно. Ваш труд, скорее всего, будет замечен руководством. Берегите здоровье. Не откладывайте поход к врачу, если почувствуете первые симптомы.



**Скорпион.** Вы можете обрести друзей или познакомиться с человеком, который станет вашей второй половинкой. Но многое будет зависеть от вас. Сейчас вы склонны провоцировать вражду в других людях. Упрямство и неуступчивость способны привести к плохим отношениям с родственниками и партнером по браку.



**Стрелец.** Кардинальные перемены могут коснуться не только работы, но и личных отношений. Старайтесь не принимать радикальных решений. Если решите уволиться, то тщательно все обдумайте. Велик риск разрушения романтических связей. Проявите изобретательность и прислушайтесь к интуиции. Сейчас вы способны многое предвидеть.



**Козерог.** В начале недели возможны проблемы с почками, инфекционные заболевания. Примите меры профилактики. На выходных избегайте перенапряжения нервной системы, берегите легкие, чаще бывайте на свежем воздухе, но остерегайтесь сквозняков.



**Водолей.** Период располагает к одиночеству и самоанализу. Не старайтесь проявлять чрезмерную социальную активность. Займитесь творчеством или отправьтесь в путешествие. Следите за своим самочувствием. Если возникнут непредвиденные обстоятельства, проанализируйте ситуацию спокойно, без лишних эмоций.



**Рыбы.** Неделя постоянного беспокойства. В денежных и любых других делах все зависит от случая. Успешной в денежном плане может оказаться работа в сфере услуг. Могут быть успехи в новой для вас деятельности, особенно организационной. Вторая половина недели способствует работе в уединении.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

## ЯНВАРЬ

*Яна далаларнинг шовқини тинди,*
*Яна раққосадек тинди момиқ қор.*
*Январь оқшомлари, айвонда энди*
*Хаёл сурмакликни этдинг ихтиёр.*

*Бу — ой кўл эмас, қиш — бу, замҳарир*
*Кўнгил тубларида сирли хаёллар.*
*Борлиқ ҳам мисоли ўйчан мусаввир*
*Нақш этмиш деразанг узра саволлар.*

*Зангори баҳорни ётар туш кўриб,*
*Қайдадир — уммонлар тубида қуёш.*
*Момо қиш оқ жужун тўқур ўлтириб,*
*Келинчак заминга ягона сирдош.*

*Оппоқ рўмолига ўраб куртагин*
*Ухлайди қиш бўйи бу зангор чирой.*
*Фақат, ором ол, деб сўйлаб эртагин*
*Кезади далалар тепасида ой...*

1978 йил.



## БИЛАСИЗМИ?

Дудуқлар қўшиқ куйлаётганда дудуқланмайди. Чунки нутқ сўзлаш ва қўшиқ айтишни миянинг турли қисмлари бошқаради.

* * *

Айрим акулалар умумий тўдага бирлашмасдан яшашади.



Мусиқа қадимдан инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи восита саналади.

* * *

Қадимги Юнонистонда йигитлар қизларга муҳаббат рамзи сифатида олма ҳадя этишган.

* * *

Канаданинг катта қисмида Ернинг тортишиш кучи она сайёрамизнинг бошқа ҳудудларидагига қараганда камроқ.

* * *

Йирик галактикалар триллиондан ортиқ юлдуздан иборат бўлиши мумкин.

* * *




Астероидларнинг атрофида атмосфера мавжуд эмас.

* * *

Уран Қуёш тизимидаги атмосфераси энг совуқ сайёра ҳисобланади.

**Бобомурод ТОШЕВ тайёрлади.**

## СПОРТ

# ВАКИЛЛАРИМИЗДАН БАЙРАМ СОВҒАСИ




*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Дастлабки жангдаёқ рақибидан устунлигини намоён қилган Шаҳбоз Турсунов ИИВ жамоасига илк ғалабани тақдим этди. Иккинчи жангда ҳам вакилимиз Олим Нормуродов ғалаба қозонди.

Кўтаринки руҳда бошланган мусобақанинг финал беллашувларида вакилларимиз қизғин ва муросасиз жанг олиб боришди. Сўнгги натижаларга кўра, ИИВ жамоаси таркибида иштирок этган Шаҳбоз Турсунов, Олим Нормуродов, Жаҳонгир Жумаев ва Сардоржон Сатторқулов биринчи ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, Фаррух Қосимов ҳамда Аббос Раҳматуллаев кумуш медаль соҳибига айланди.

Умумжамоа ҳисобида ИИВ жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Мудофаа вазирлигига насиб этди. Учинчи ўринни эса Миллий гвардия ходимлари қўлга киритди.

**Шерзод ДЕКАНБАЕВ,**
**капитан.**





**Содиқ ҲАКИМОВ олган суратлар.**

**Postda**
**На посту**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
podpolkovnik Qobuljon SHOKIROV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Foziljon MAMASHARIPOV
Dinara SHOMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

9 772010 535001

Tahririyat
hisob raqami
20210000900447980001
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod
tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4024.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 786 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ:**
**100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.**